Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг бош нашри

РУЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. ◆ № 31 (20.898) 1991 йил 13 февраль, чоршанба ◆ Рўзнома йилига 256 марта чиқади. ◆ Баҳоси 8 тийин.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ:

ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР

Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасида

ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ИШИНИ БАРҚАРОРЛАШТИРАЙЛИК

Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 7 февралда бўлиб ўтган мажлисини оча туриб, Ўзбекистон ССР ҳукумати аъзоларининг, совет ва хўжалик идоралари раҳбарларининг эътиборини ҳал этилмаган муаммолар ва фойдаланилмаган резервларга, халқ хўжалиги ишини барқарорлаштиришни таъминлашга доир иқтисодий ёндашувларни такомиллаштириш ва чуқурлаштириш масалаларига, келгусидаги бозор шароитида жумҳурият аҳолисининг энг муҳим ва долзарб эҳтиёжлари рўёбга чиқарилиши учун барча бўғиндаги раҳбар кадрларнинг масъулиятини оширишга қаратди.

Бултур оғир йил бўлди. Шундай бўлсада, мамлакат иқтисодиётидаги оғир аҳволга, хўжалик алоқалари яхши мувофиқлаштирилмаганлигига ва ишлаб чиқариш суръатлари пасайиб кетганлигига қарамай, жумҳурият халқ хўжалиги тармоқларини соғломлаштиришга доир аниқ-равшан тадбирлар амалга оширилганлиги ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг асосий кўрсаткичларини муайян даражада ўстиришга ва бирмунча барқарорликка эришишга имкон берди.

Ишлаб чиқарилган миллий даромад ҳажми 1989 йилга нисбатан 3,4 фоиз, саноат маҳсулоти 1,5 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти 4,4 фоиз, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш эса 6,5 фоиз кўпайди. Ижтимоий маданий соҳани ривожлантиришга сарфланган сармоянинг ялпи салмоғи ўсди. Ўзбекистон ССР Президентининг Фармонларига биноан аҳолининг долзарб ижтимоий эҳтиёжларига ва халқ хўжалиги тармоқларига жумҳурият ва маҳаллий бюджетлардан қўшимча равишда салкам 460 миллион сўм сарфланди. Кўп болали оналарга қўшимча ҳақ, энг кам пенсиялар, нафақалар ва стипендиялар, интернат-уйларда овқатланишга ажратиладиган маблағлар оширилди. Аҳолини ичимлик сув ва табиий газ билан кафолатли тарзда таъминлашга оид ишлар фаол олиб борилмоқда. Фуқароларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларини ривожлантириш ва якка тартибда уй-жойлар қуришни кенгайтириш мақсадида қарийб 1,5 миллион оилага жами 183 минг гектар ер участкаси ажратилди.

Ана шундай ижобий силжишларга эришилди. Шу билан бир қаторда жумҳурият ҳукуматининг режа кўрсаткичлари қандай бажарилганлиги тўғрисидаги ҳисоботларгагина асосий эътибор берилган аввалги йиллардаги мажлисларидан фарқ қилиб, бу гал иқтисодиётдаги ишларнинг аҳволи, камчиликлар ва нуқсонларнинг сабаблари жиддий ва талабчанлик билан таҳлил этилди, муайян раҳбарларнинг ва энг аввало комплекслар ишининг пировард натижалари учун жавобгар бўлган Вазирлар Маҳкамаси Раиси ўринбосарларининг масъулияти кучайтирилди.

Саноатда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмларининг камайиб бораётганлиги сезилди, маҳсулот етказиб бериш юзасидан шартнома интизоми сусайди. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш комплекс дастури топшириқлари тўла бажарилмади. Ўзбекистон ССР енгил саноат вазири А. С. Икромовга нисбатан қатъий талаб қўйилди. Тармоқда 25 та корхона ишлаб чиқариш суръатларини пасайтириб юборди. 188 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш режаси бажарилмади, одамлар учун энг зарур буюмлар ишлаб чиқаришда катта қолоқликка йўл қўйилди. Барқарор ишлаши ва аҳолининг халқ истеъмоли молларига нисбатан ўсиб бораётган эҳтиёжини таъминлаши лозим бўлган тармоқда айни шундай бўлди.

Ана шу муаммоларни ҳал этишда нима учун ташаббус, омилкорлик ва иқтисодий ёндашувлар кўрсатилмаяпти? Мажлисда вазирликлар, идоралар ва ижроия комитетларининг раҳбарларига тез-тез ана шундай савол берилди. Афсуски, уларнинг айримлари ишни пухта таҳлил этиш ва амалий таклифлар ўрнига анъанавий равишда материаллар, ускуналар ва бошқа ресурслар марказлаштирилган тарзда етказиб берилмаганлигини баҳона қилиб кўрсатдилар. Тўғри, шундай бўлган. Бироқ бозорга ўтишнинг ҳозирги шарт-шароитлари янги-янги ёндашувларни қидириб топиш ғоят зарурлигини тақозо этмоқда. Республикамизда эса улар мавжуд.

Масалан, Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат вазирлиги системасининг район ва шаҳар саноат комбинатлари ишини ташкил этишни олиб кўрайлик. Қисқа олти ойлик муддат ичида ана шу соҳада янги ишлаб чиқариш бўлинмалари ташкил этилиб, улар меҳнат ресурслари ғоят кўп бўлган қишлоқ районларида жойлаштирилди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотини тайёрлаш ва қайта ишлаш, чарм, хонатлас ва жундан тайёрланган мато лахтакларидан моллар ишлаб чиқариш, дон янчиш ва қандолат маҳсулотлари тайёрлаш, новвойчилик — буларнинг ҳаммаси ҳозирги пайтда фойдаланилмаётган бинолар ва хоналарда жойлашган кичик-кичик цехларда амалга оширилмоқда. Ўзбекистон ССР маҳаллий саноат вазири В. А. Чжен мажлис қатнашчиларига кўрсатган буюмларнинг товар кўриниши ва сифати бозорга ўтиш шароитидаги омилкорлик ва амалий ёндашувнинг энг яхши исботи бўлди: ярим йил ичида 10 мингдан ортиқ кишини жамоат ишлаб чиқаришига қўшимча равишда жалб этишга, 60 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга ва аҳолига 3,5 миллион сўмлик хизмат кўрсатишга муваффақ бўлинди.

Бугунги кунда мавжуд резервлардан фойдаланишда, тўпланиб қолган муаммоларни ҳал этишнинг янги усулларини излаш ва уларни жорий этишга интилишда амалий ёндашувларнинг йўқлиги корхоналар, бирлашмалар ва тармоқ иқтисодиётининг сўзсиз заифлашувига олиб келади. Республикада йил якунларига кўра 579 та зарар келтираётган корхона бор, дебиторлик қарзи кўпайди, корхоналарда товар-моддий бойликларнинг нормадан ташқари заҳиралари кескин ошди. Айни вақтда чакана савдода товар заҳиралари камайди, халқ истеъмоли молларининг нархи ошди, истеъмол бозоридаги вазият кескинлашмоқда. Аҳолининг турли хилдаги пулли хизматларга нисбатан эҳтиёжларини қондиришда юзага келган номутаносибликлар бартараф этилмади, пул-молия номутаносиблиги кучайди, пул чиқариш кўпайди.

Қурилиш комплексининг муваффақиятли ишлаши — халқ хўжалиги тармоқлари ва ижтимоий соҳани янада ривожлантиришнинг мустаҳкам пойдевори эканлиги ҳаммага маълум. Бу ўринда йил якунларига кўра эришган натижаларимиз қандай? Очиғини айтайлик, натижалар салбий. Йилнинг корхоналар, иншоотлар ва шу кабиларни ишга тушириш дастури барбод қилинди, республикамиз асосий фондларни фойдаланишга топшириш юзасидан режалаштирилган ишларнинг бешдан бир қисмини бажармади, бу эса қуриб битка-

(Давоми иккинчи бетда).

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МУАССАСАЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ МАОШЛАРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Табиий, техника ва ижтимоий фанларнинг етакчи йўналишларига доир муҳим тадқиқотларни ривожлантиришни жадаллаштириш, илмий-тадқиқот ишлари ва олимлар меҳнати учун зарур шарт-шароит яратиш ҳамда уларнинг самарадорлигини оширишни рағбатлантириш мақсадида ва бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан:

1. 1991 йилнинг 1 апрелидан Ўзбекистон ССР Фанлар академияси системасининг илмий ташкилотлари, Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон ССР Халқ таълими вазирлиги, ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими, Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон ССР Маданият вазирлиги, Ўзбекистон ССР Ижтимоий таъминот вазирлиги, Ўзбекистон ССР Иқтисодиёт комитети, Ўзбекистон ССР Адлия вазирлиги ва Жумҳурият Давлат бюджетидан маблағ билан таъминланадиган бошқа ташкилотлар раҳбар, илмий ва бошқа ходимларининг мансаб маошлари 30 фоиз оширилсин.

2. Ана шу мансаб маошлари давлат бюджетидан ажратиладиган ва илмий ташкилотлар қидириб топаётган маблағлар ҳисобига шартномавий ишларни кенгайтириш, ташкилий тузилмани такомиллаштириш ва бошқа тадбирлар ҳисобига баравар улушда оширилсин.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1991 йил 12 февраль.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ ГЕОЛОГИЯ ВА МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР КОМИТЕТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Геология тармоғининг республика ҳудудида жойлашган корхоналари ва ташкилотларини бошқаришнинг самарали системасини вужудга келтириш, бозор муносабатларига ўтиш шароитида халқ хўжалигининг минерал хом ашёнинг қидириб топилган заҳираларига бўлган эҳтиёжларини таъминлаш мақсадида «Узбекгеология» бош мувофиқлаштириш — Геология бошқармаси, «Краснохолмскгеология» геология ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Средазкварцсамоцвети» экспедицияси ва Бутуниттифоқ норуда материаллар геологияси илмий-тадқиқот институти Ўрта Осиё тажриба-методика туркумининг тегишли бўлинмалари билан биргаликда улар негизида Ўзбекистон ССР Давлат геология ва минерал ресурслар комитети ташкил этилсин.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1991 йил 12 февраль.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

РЕСПУБЛИКА ЎРМОН ХЎЖАЛИГИНИ БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика ўрмон хўжалигини бошқаришни такомиллаштириш, ўрмонларнинг табиатни муҳофаза қилиш ва ерларни тубдан яхшилаш соҳасидаги аҳамиятини ошириш, шунингдек, ўрмонзор ерлардан оқилона фойдаланиш мақсадида:

1. «Узбеклес» Иттифоқ-республика ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариш бирлашмаси Ўзбекистон ССР Давлат ўрмон комитетига айлантирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамаси (ўртоқ И. Ҳ. Жўрабеков) республика ўрмон хўжалиги самарадорлигини ошириш масалаларига доир қарор лойиҳасини тайёрласин.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1991 йил 12 февраль.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

ЖУМҲУРИЯТДА «НАВРЎЗ» УМУМХАЛҚ БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА ЎТКАЗИШ ҲАҚИДА

Жумҳуриятимизда инсоний қадриятларни янада камол топтириш, ўз-ўзига ишонч руҳи ва миллий ғурурини мустаҳкамлаш, дўстлик, биродарлик, ҳамжиҳатлик, меҳр-шафқатни улуғлаш, маданий ва тарихий анъаналарни давом эттириш ҳамда ривожлантириш, асрлар давомида шаклланган урф-одатлар ва удумларни эзозлаш мақсадида «Наврўз» байрамини кенг нишонлаш юзасидан қуйидагилар амалга оширилсин:

1. Дам олиш куни сифатида белгиланган 21 мартда ўтказиладиган «Наврўз» умумхалқ байрамига тайёргарлик ишлари бошлаб юборилсин. Бу байрамни ўтказишда 1990 йилда тўпланган ижобий тажрибаларни давом эттирган ҳолда тўла фойдаланилмаган имкониятлар ҳам ишга солинсин. Байрамга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш тадбирларида жумҳуриятнинг ҳар бир фуқароси якдиллик ва ҳамжиҳатлик билан фаолият кўрсатсин.

2. «Наврўз» умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш жумҳурият ташкилий қўмитаси тасдиқлансин.

3. Ҳар бир ташкилот, вазирликдан тортиб, Советлару — маҳалла қўмиталаригача — ҳамма жойда байрамни ўтказиш ишларига жавобгарлик аниқ белгилаб қўйилсин. Жумҳурият ҳудудидаги корхоналар, муассасалар, жамоа ва давлат хўжаликлари, ширкатлар, жамоат ташкилотлари ўз имкониятларидан келиб чиқиб, байрам тадбирларини тегишли транспорт воситалари, озиқ-овқат маҳсулотлари, саноат моллари, тўй-ҳашам ашёлари билан таъминласинлар ҳамда сарф-харажатларни ўз зиммаларига олсинлар. Умумхалқ хайрия ҳаракатларида фаол иштирок этсинлар. Фуқароларнинг, жамоаларнинг «Наврўз» умумхалқ байрамини ўтказишдаги ташаббускорлигини қўллаб-қувватласинлар.

Байрам аҳолининг барча табақалари истак ва хоҳишларига, ҳар бир жойнинг ўз шароитларига қараб ўтказилсин.

4. «Наврўз» умумхалқ байрами анъаналарига биноан, ҳар бир фуқарога иззат-икром кўрсатилсин. Қариялар, болалар, беморлар, ногиронлар ҳолидан хабар олиш, бева-бечора ва боқувчисидан ажралганларга меҳр-шафқат кўрсатишга алоҳида эътибор берилсин.

Ўзбекистон Телевидениеси ва радиоэшиттириш давлат қўмитаси билан жамоат ташкилотлари, бадиий жамоалар ўтказадиган хайрия узлуксиз кўрсатуви — телемарафон ҳар томонлама қўллаб-қувватлансин.

5. «Наврўз» байрамини ўтказиш борасида қўшни жумҳуриятлар билан дўстлик, ҳамкорлик ва маданий алоқалар янада кучайтирилсин. Ўзаро вакиллар юбориш, меҳмон қабул қилиш тадбирлари ишлаб чиқилсин.

6. Оммавий ахборот воситалари байрам ўтказиш жараёнларини кенг ёритсинлар. Бу ишда журналистларнинг масъулияти оширилсин.

Қайси йўналишдаги ахборот воситасида бўлишидан қатъи назар, «Наврўз» умумхалқ байрамини ёритиш — ягона ғоя — инсонни улуғлаш, миллий ғурурни кўтариш, ҳамжиҳатлик, биродарлик, меҳр-шафқат, тинч-тотувлик мақсадлари ва ғоялари билан йўғрилсин.

7. Байрамга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш жумҳурият ташкилий қўмитасига байрам тадбирларида ташаббускор бўлган, фаоллик кўрсатган, фидокорона меҳнат ва ижод қилган кишиларни аниқлаш ҳамда рағбатлантириш ва тақдирлашга тавсия этиш топширилсин.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил 12 февраль.

БАЙРАМ АРАФАСИДА

● Тошкентда бўлиб ўтган мажлис кун тартибига навбаҳор байрами — «Наврўз»га тайёргарлик масалалари қўйилди. Мажлисни Ўзбекистон ССР Президентининг маслаҳатчиси Б. Назаров олиб борди.

Халқнинг қадимий байрами тикланиши республикада катта илҳом ва мамнуният билан кутиб олингани таъкидланди. Ўтган йили ўтказилган «Наврўз» байрами халқ анъаналари тикланиши, ерга ва табиатга авайлаб муносабатда бўлиш, деҳқон меҳнатини қадрлаш, одамларнинг тинчлик ва яхши қўшничиликка, меҳр-мурувват ва оқибатга интилиши учун қудратли омил бўлди. Байрамнинг инсонпарварлик ва байналмилаллик моҳияти Ўзбекистонда яшаётган барча миллат ва элат вакилларининг қалбларидан жой олди. Шунинг учун ҳам, деб таъкидлашди тўпланганлар, «Наврўз» анъаналарини давом эттириш, унинг ижодий кучларни илҳомлантиришга, одамларни жипслаштиришга ва уларни ўтмиш маданий меросидан баҳраманд этишга қаратилган бебаҳо сабоқларини ўзлаштириш зарур.

Бу йил «Наврўз» яна 21 март куни нишонланади. Бу кун Ўзбекистонда дам олиш куни деб эълон қилинган.

(ЎзТАГ мухбири).

ЎН ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ КЕНГАШИ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ ТЎРТИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг навбатдан ташқари тўртинчи сессияси эртага, 1991 йил 14 февраль соат 10 да Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси мажлислар залида очилади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари бугун, 13 февраль куни эрталаб соат 10 дан 19 га қадар Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсатида рўйхатга олинадилар.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ГУРУҲЛАРИ ВАКИЛЛАРИ КЕНГАШИНИНГ ҚАТНАШЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари гуруҳлари вакилларининг кенгаши эртага 14 февраль куни эрта билан соат 9 да Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг кичик мажлислар залида бўлади.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгашида

● 12 февраль куни Ўзбекистон ССР Олий Кенгашида жумҳурият Олий Кенгаши комитетларининг раислари, уларнинг ўринбосарлари, комитетларнинг аъзолари, Ўзбекистон ССР халқ депутатлари, бир қанча вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари, олимлар ва мутахассислар иштирокида мажлис бўлиб ўтди.

Мажлисни Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Раиси М. И. Иброҳимов олиб борди.

Мажлисда «Ер солиғи тўғрисида», «Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар ҳақида», «Ўзбекистон ССР фуқароларидан, чет эллик фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинадиган даромад солиғи тўғрисида», «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон ССРнинг қонунлари лойиҳалари муҳокама қилинди.

Қонунлар лойиҳалари юзасидан муҳокама чоғида кўпдан-кўп таклифлар, фикр-мулоҳазалар ва истаклар айтилди. Тегишли комитетлар лойиҳаларни узил-кесил ишлаб чиққандан кейин уларни Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг сессияси муҳокамасига тақдим этиш тавсия қилинди. Мажлисда Ўзбекистон ССР Вице-президенти Ш. Р. Мирсаидов, жумҳурият Олий Кенгаши Раисининг ўринбосари Б. И. Бугров, Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Б. С. Ҳамидов иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

1991 йил — Алишер Навоий йили

ШЕЪРИЯТ БОҒИ

● Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси ижтимоий ривожланиш, фан ва маданият мажмуида мажлис бўлиб ўтди. Мажлисда Алишер Навоий туғилган кунининг 550 йиллиги шарафига ўтказилаётган тантаналарнинг қандай бораётганлиги кўриб чиқилди.

Республикада Навоий йилига бағишланган анчагина тадбирлар ўтказилганлиги таъкидланди. Ўзбекистон Фанлар академияси билан республика «Билим» жамияти ўтказган катта Навоийхонлик, буюк шоир асарлари ва у яратган ашъорларнинг турли тиллардаги нодир нашрлари намойиш этилган кўргазма очилиши шундай тадбирлар жумласидандир. Театрлар саҳналарида бир қанча премъералар бўлиб ўтди. Навоий асарлари тўпламининг рус ва ўзбек тилларидаги дастлабки жилдлари чиқарилди, шоирнинг кўпчиликка таниш бўлмаган асарлари нашр қилинди. Шарқнинг улуғ мутафаккири таваллуд топган кун ҳам тантанали нишонланди.

Навоий йили давом этмоқда. Олдинда шоир котирасига бағишланган кўпгина тадбирлар ўтказиш режалаштирилган. Бу тадбирлар сентябрь ойида тугалланади. 4 сентябрда Тошкентга турли республикалардан ва чет мамлакатлардан меҳмонлар келишади. 7 сентябрда СССР Халқлари дўстлиги саройида катта тантанали кеча ўтказиш режалаштириляпти. Шундан кейин тантаналар Москвада давом эттирилади.

Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримовнинг таклифига биноан Тошкентда барпо этилаётган Навоий шеърияти боғининг лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди. Бу боғни қарийб 120 гектар майдонда барпо этиш мўлжалланмоқда. Бу боғ СССР Халқлари дўстлиги саройи ёнидан бошланиб, Байналмилал кўчасигача давом этади. Меъморлар мазкур ҳудудни реконструкция қилиш ва қайта жиҳозлаш борасидаги ўз таклифлари билан таништирдилар. **(ЎзТАГ).**

Рўзнома саҳифаларида:

● Янгича иқтисодий ёндашувларни такомиллаштириш ва чуқурлаштириш, келгусидаги бозор шароитида аҳолининг энг муҳим ва долзарб эҳтиёжлари рўёбга чиқарилиши учун фаолиятимиздаги масъулиятни янада ошириб борайлик! Оғир иқтисодий танглиқка қарамай, республикамизда халқ хўжалиги тармоқларини соғломлаштиришга доир тегишли тадбирлар амалга оширилди, бу билан асосий кўрсаткичлар муайян даражада ўсди, бир мунча барқарорликка эришилди. Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган мажлисда шулар алоҳида тилга олинди.

● Алишер Навоий йили давом этмоқда. Республика Президентининг таклифига биноан Тошкентда барпо этилаётган Навоий шеъриятн боғи лойиҳаси муҳокама қилинди. Мутафаккир номи билан аталувчи сайлгоҳни қарийб 120 гектар майдонда барпо этиш мўлжалланаётир.

● «Наврўз» анъаналари давом эттирилади. Халқимизнинг бу анъанаси турли миллат вакилларини жипслаштиришга ва уларни ўтмиш маданий меросимиздан баҳраманд этишга қаратилганлиги билан бебаҳодир. Бу йил ҳам «Наврўз» тантаналари 21 март куни нишонланади.

(1-БЕТ).

● СССР Вазирлар Маҳкамаси СССР ҳудудида вақтни ҳисоблаш масалаларини кўриб чиқди. Ўзбекистон ССР ҳукуматининг бу республика ҳудудида беш соат минтақасини ўрнатиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинди.

● Тинч осойишта яшаб, елкама-елка меҳнат қилиш, нақадар гаштли. Дўстлик қишлоқ Совети теграсида ўндан ортиқ миллат вакиллари истиқомат қилишади. Ҳамкорлик ва ҳамнафаслик эришилаётган ютуқлар омили.

(2-БЕТ).

● Эртага ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари тўртинчи сессияси ўз ишини бошлайди. Муҳокамага қатор масалалар киритилган. Улардан бири «Ўзбекистон ССРда тадбиркорлик тўғрисида»ги қонун лойиҳасидир. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ишбилармонлик, ташаббускорлик, тадбиркорлик энг муҳимдир.

● Чарм тўп мухлислари орзиқиб кутаётган дамлар яқинлашмоқда. Ҳадемай, биринчилик мусобақалари бошланади. Мавсум олдидан «Пахтакор» футболчилари хотира совғини учун баҳс бошланаётир.

(3-БЕТ).

● Ўтмишга баҳо берганда, бугунги куннинг тошу тарозисидан келиб чиқмай, балки ўша даврнинг ижтимоий шароитини назарда тутиб қаралса, ҳақиқат ойдин бўлур эди.

Рўзномамизда эълон қилинган «Марҳумлар сўроқ қилинмайди...» сарлавҳали мақолага муштарийларимиздан олинаётган хатларда ана шу фикр етакчи ўринни тутади.

(4-БЕТ).

Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасида

ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ИШИНИ БАРҚАРОРЛАШТИРАЙЛИК

(Давоми. Боши биринчи бетда).

зилмаган иншоотларнинг кўпайишига сезиларли таъсир қилди, ана шундай қурилишларнинг катта қисми Ўзбекистон ССР Қурилиш вазирлиги (Қ. Ҳ. Маҳамадалиев) ва Тошкент бош қурилиш бошқармаси (К. Н. Тўлаганов) зиммасига тушади. Ижтимоий соҳа иншоотлари қурилишидаги ишларда ҳам яхшилик сари бурилиш бўлмаяпти: пул билан таъминлашнинг барча манбалари ҳисобидан 230 минг квадрат метрдан кўпроқ уйжой, 9,5 минг ўринли мактаб ва 0,7 минг ўринли мактабгача болалар муассасалари, бир қанча соғлиқни сақлаш, маданият ва фан иншоотлари фойдаланишга топширилмади.

Ўтган йили қишлоқ хўжалигида ҳосил жуда мўл бўлди: 1989 йилга нисбатан ғалла деярли тўртдан бир баравар кўп етиштирилди, мева ва резавор мева 1,2 баравар кўп териб олинди, узум қариб икки баравар кўп ҳосил берди. Етиштирилган юқори навли мўл пахта ҳосили шаҳарликлар, мактаб ўқувчилари ҳамда талабаларни жалб этмасдан, моддий рағбатлантиришнинг янги илғор усуллари қўлланилганлиги туфайли қисқа муддатда териб олинди.

Республикамизда биринчи марта пахта ярмаркаси ўтказилди, у етиштирилган ўз ҳосилимизнинг катта қисмини мустақил тасарруф этишга имкон берди.

Бинобарин, иқтисодиётнинг ана шу энг муҳим тармоғида ҳам кўп резервлар бор, бунга қуйидаги маълумотларни мисол қилиб келтириш мумкин: мол ва парранда харид қилиш режаси бажарилмади, кўпгина хўжаликлар сут етиштириш юзасидан режа топшириқларини барбод қилдилар, деҳқончилик-саноат комплексининг қайта ишловчи саноат корхоналари 28 миллион сўмлик маҳсулот кам етказиб бердилар. Қишлоқларни ижтимоий жиҳатдан ободонлаштириш муаммолари куч-ғайратлар ҳамда маблағларни тўплаган ҳолда яна ҳам аниқ мақсадни кўзлаб ишлашни тақозо этади.

Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов мажлисга якун ясар экан, комплексларнинг куч-ғайрати, республикамиз тармоқларида ва ҳудудларида ишлаётган ҳамда амал қилаётган дастурлар инсонга, унинг эҳтиёжлари, талаблари ҳамда ташвишларига қаратилиши лозимлигини алоҳида таъкидлади. Жумладан, умуминқтисодий комплекс (Б. С. Ҳамидов) зиммасига Ўзбекистон халқ хўжалигини барқарорлаштиришнинг асосий йўналишлари ҳамда бозор иқтисодиётига ўтиш қоидалари амалга оширилишини назорат қилиш юклатилган. Унга турмуш даражаси пасайишининг олдини олишга доир товон тўлаш, бозорга ўтиш муносабати билан аҳолининг пул даромадлари ва жамғармаларини индекслаш шакллари ва воситаларини ишлаб чиқиш масалаларини такомиллаштириш вазифаси топширилди. Корхоналарни, энг аввало савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат соҳаси кичик-кичик корхоналарини, шунингдек бошқа тармоқларда муттасил зарар келтираётган корхоналарни босқичма-босқич давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш бошқа муҳим йўналиш бўлмоғи лозим.

Мавжуд қувватлардан самарали фойдаланиш, кичик корхоналар, шу жумладан хорижий фирмалар билан ҳам кичик-кичик корхоналар ташкил этиш, истеъмол бозорини юқори сифатли моллар ва буюмлар билан мўлкўл таъминлаш учун янги илғор технологияларни жорий этиш халқ истеъмоли моллари, савдо ва хизмат соҳаси комплексининг (У. Қ. Исмоилов) биринчи галдаги вазифаси сифатида белгилаб берилди. Кўплаб харид қилинадиган халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаришга йўналтирилган енгил, маҳаллий ва қайта ишловчи саноат эҳтиёжини тўла таъминлаш учун ўзимизнинг хом ашё ва моддий-техникавий базамизни вужудга келтириш дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш керак.

Мамлакатимизнинг бошқа минтақаларидан келтирилаётган энг зарур моллар, айниқса, озиқ-овқат маҳсулотлари ҳажмини ҳамда турларини иложи борича кўпроқ камайтириш учун туркум тадбирларни амалга ошириш талаб этилади.

Деҳқончилик-саноат комплекси (И. Ҳ. Жўрабеков)га қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва энг аввало чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш ҳажмини кўпайтириш юзасидан олиб борилаётган ишларни қунт билан давом эттириш таклиф қилинди. Шу мақсадда фуқароларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларини янада ривожлантириш, жамоат чорвасинигина эмас, айни вақтда аҳоли ихтиёрида бўлган молларни ем-хашак билан таъминлаш учун барча тадбирларни кўриш керак. «Узптицепром» бирлашмаси (Б. А. Пискунов)га яқин йиллар ичидаёқ республика паррандачилик фабрикалари маҳсулотларини кескин кўпайтиришга оид дастур лойиҳасини ишлаб чиқиш топширилди.

Машинасозлик комплекси (Р. Р. Ражабов) маҳсулот ишлаб чиқариш, шу жумладан халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришга даъват этилган. Маҳаллий кенгашларнинг ижроия комитетлари билан биргаликда корхоналар ва бирлашмаларни ишчилар билан таъминлаш учун оммавий касбдаги малакали миллий кадрларни тайёрлаш, бўш иш ресурсларини жамоат ишлаб чиқаришига қўшимча равишда жалб этиш дастурини ишлаб чиқиш керак.

Ёқилғи саноати, энергетика, кимё, металлургия комплекси (К. Ж. Ҳаққулов) олдига республика халқ хўжалигини айниқса қиш даврида электр, иссиқлик энергияси ҳамда газ ёқилғиси билан барқарор таъминлаш вазифаси қўйилди. Республика металлургия корхоналарига темир-терсак ҳамда қора ва рангли металл чиқиндиларини тўплаб, етказиб беришни қаттиқ назорат қилиш зарур, деб топилди.

Ижтимоий ривожланиш, фан ва маданият комплекси (Э. С. Самандаров)га маҳаллий кенгашларнинг ижроия комитетлари билан биргаликда мавжуд ҳунар-техника билим юртлари йўналишини ўзгартириш, олий ўқув юртлари ҳамда техникумларга талабалар қабул қилишни яхшилаш ишларини амалга ошириш топширилди. Бунда янги мутахассис кадрларни, шу жумладан ташқи иқтисодий фаолиятга алоқадор кадрларни тайёрлашга асосий эътиборни қаратиш керак. Соғлиқни сақлаш муассасалари хўжалик юритишнинг янги шароитларига ўтказилиши лозим.

Бу йил ресурслар, моддий-техника таъминоти ва шартномалар комплекси (Т. Я. Шарипов)га одатдан ташқари вазифаларни ҳал этиш, ажратилган лимитларни бириктириб қўйиш, Иттифоқ идоралари ва бошқа жумҳуриятлар билан моддий-техникавий ресурслар етказиб бериш юзасидан шартномалар тузишга доир ишларни алоҳида назорат қилиш вазифаси топширилди.

Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида Ўзбекистон ССРни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг бошқа бир қанча масалалари кўриб чиқилди. Республика валюта комиссиясини тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Унинг асосий мақсади республика барча валюта маблағларидан Ўзбекистон ССР иқтисодиёти ҳамда аҳолисининг долзарб ва биринчи галдаги эҳтиёжларини қондириш учун самарали фойдаланиш масалаларини мувофиқлаштириш ва назорат этишдир. Комиссия таркибига Қорақалпоғистон МССР Вазирлар Кенгашининг, вилоят ижроия комитетлари ва Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раислари кирдилар.

Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Раиси М. И. Иброҳимов қатнашди.

СССР ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

Иттифоқдош ва мухтор республикалар ҳукуматларининг, халқ депутатлари ўлка ва вилоят Советлари ижроия комитетларининг, шунингдек бир қанча ишлаб чиқариш жамоалари ва айрим фуқароларнинг мурожаатлари муносабати билан СССР Вазирлар Маҳкамаси СССР ҳудудида вақтни ҳисоблаш масалаларини кўриб чиқди.

Вақтни ҳисоблашни тартибга солиш мақсадида СССР Ягона вақт ва эталон частоталар давлат комиссиясининг «СССР ҳудудида вақтни ҳисоблаш тартиби тўғрисида» СССР Вазирлар Кенгаши 1980 йил 24 октябрда қабул қилган қарорда кўзда тутилган йил давомида мунтазам амал қилаётган минтақаларда қўлланиладиган вақтни бир соат оширишни («декрет» соатини) 1991 йил март ойининг сўнгги якшанба кунида бекор қилиш тўғрисидаги таклифи қабул этилди.

Мазкур қарорнинг биринчи банди биринчи абзацини қуйидаги таҳрирда баён этишга қарор қилинди:

«Белгилаб қўйилсинки, СССР ҳудудида вақтни ҳисоблашнинг қуйидаги тартиби амал қилади: ҳар йили март ойининг сўнгги якшанбасида соат 2 да соат миллари қўшимча равишда 1 соат олдинга сурилган («ёзги» вақт) ва сентябрь ойининг сўнгги якшанбасида соат 3 да 1 соат орқага сурилган минтақа вақти амал қилади».

Қозоғистон ССР, Қирғизистон ССР, Тожикистон ССР, Туркманистон ССР ва Ўзбекистон ССР ҳудудида «ёзги» вақтга ўтмаслик ҳам мумкин.

Ўзбекистон ССР ва Туркманистон ССР ҳукуматларининг ушбу республикалар ҳудудида 5 соат минтақасини ўрнатиш тўғрисидаги таклифлари, шунингдек СССР ягона вақт ва эталон частоталар давлат комиссиясининг Коми АССР ва Ненец мухтор округи ҳудудларида 3 соат минтақасини ҳамда Красноярск ўлкасининг бутун ҳудудида 6 соат минтақасини қўлланиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинди.

СССР ягона вақт ва эталон частоталар давлат комиссиясига манфаатдор ташкилотлар билан келишиб, республикалар, ўлкалар ва вилоятларнинг 1991 йилда «ёзги» вақтга ўтиши тартибини белгилаш топширилди. СССР вазирликларига ва идораларига, иттифоқдош ва мухтор республикаларнинг ҳукуматларига, халқ депутатлари ўлка ва вилоят Советларининг ижроия комитетларига мазкур комиссия томонидан белгиланган тартибга мувофиқ равишда вақтни ҳисоблаш учун зарур тадбирларни ўз вақтида ишлаб чиқиш ва бажаришни таъминлаш таклиф этилди.

(ТАСС).

НАЗАРИЙ ИШЛАРНИ ВА КАДРЛАР БИЛАН ИШЛАШНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРАЙЛИК

Одатга кўра, КПСС Марказий Комитети Котибиятининг навбатдаги мажлиси мамлакатдаги сиёсий вазиятга, партиядаги аҳволга баҳо беришдан бошланди.

Раислик қилувчи КПСС Марказий Комитети Бош котибининг ўринбосари В. А. Ивашко январь ойининг охирида бўлиб ўтган КПСС Марказий Комитетининг Пленуми кенг жамоатчилик томонидан турлича кутиб олинганини таъкидлади. У бундай ҳарактерли жиҳатни келтириб ўтди: КПССни танқид қилувчилар унга фақат салбий муносабатда бўлган тақдирда ҳам коммунистлар партиясининг сўзсиз сиёсий раҳбар эканлигини бевосита ёки билвосита тан олмоқдалар, СССРни тангликдан олиб чиқишга қодир бўлган бошқа уюшган кучни кўрмаётирлар. Масалан, Италия матбуотида ўзига хос бўлган тан олиш бундай эшитилади: КПСС — ҳозирги пайтда бирдан-бир реал сиёсий кучдир, билимдонлик, сиёсий профессионализмнинг бирдан-бир мактабидир, кадрларнинг бирдан-бир мактабидир.

Равшанки, Котибият мажлисида бундай фикрлар ўзларига ўзлари тилёғламалик қилиш учун келтирилмаган. Гап миллионлаб совет коммунистларининг улкан имкониятларини Пленум йўл-йўриқларини амалга оширишга қаратилган фаол, собитқадам ҳаракатга қандай қилиб айлантириш тўғрисида борди. Аввало тенг ҳуқуқли республикаларнинг федерацияси сифатида ССР Иттифоқини сақлаб қолиш тўғрисидаги масала юзасидан бўлажак Бутуниттифоқ референдуми каби тақдирга чинакам дахлдор сиёсий тадбирга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида гап борди.

Иттифоқни ёқловчи сиёсий кайфиятларни фаол қўллаб-қувватлаш керак, деди КПСС Марказий Комитетининг котиби А. Н. Гиренко. Бу ишда референдумда қабул қилинадиган қарор учун ҳар бир фуқаро ўз масъулиятини англаб етиши мақсадини кўзлаб ҳар бир совет кишиси қалбига йўл топиш зарур. Ажрамачилик тантана қилган тақдирда муқаррар юз берадиган иқтисодий, ижтимоий ва маданий оқибатларни билмасликдан келиб чиқадиган тасодифларни истисно этиш учун ҳамма ишни қилиш керак.

КПССнинг илмий ва ўқув юртлари системасини такомиллаштириш тўғрисидаги таклифларни кўриб чиқишда ҳам январь Пленуми мавзуси давом эттирилди. Чунки Пленумдаги нутқларнинг кўпида партиянинг назарий ишига эътиборни кучайтириш, партия кадрларини тайёрлаш савиясини ошириш тўғрисидаги масала ўткир қилиб қўйилди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет котиби А. С. Дзасохов таклиф этилаётган янгиликларнинг моҳиятини таърифлаб, партиянинг ўзини янгилашда ҳам, бутун жамиятни ислоҳ қилишда ҳам режаларнинг амалга оширилишини ҳал қиладиган қарорларни қабул қилиш лозимлигини таъкидлади. КПССнинг илмий муассасалари ва ўқув юртлари назарий иш билан ҳаётнинг ўзи тақозо этаётган вазифалар ўртасида узилишни бартараф этишлари, шу куннинг сиёсий реалликларини ҳисобга олмайдиган партия кадрларининг ҳали ҳам тез-тез учраб турган ҳаракатларини бартараф этишда ёрдам бериши, чуқур демократия жараёнлари шароитида иш олиб боришга қодир бўлган сиёсатчилар ва раҳбарларни тайёрлашни таъминлаши лозим. У ўзгартишларнинг кенг дастурини баён қилиб берди, бу ўзгартишлар ҳуқуқий билимлар, парламент фаолияти, янгиланаётган иқтисодий муҳитдаги ишлар соҳасида КПСС фаолларини тайёрлашга қаратилган.

КПСС Марказий Комитети Котибияти мажлисидан

Мажлисда сўзга чиққан КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм илмгоҳи директорининг биринчи ўринбосари М. К. Горшков, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Ижтимоий фанлар академиясининг ректори Р. Г. Яновский, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Ижтимоий фанлар илмгоҳи ректори Ю. А. Красин, Ленинград сиёсатшунослик илмгоҳининг ректори Ю. А. Денисов, Украина Компартияси Марказий Комитети сиёсий тадқиқотлар илмгоҳининг директори Ф. М. Рудич, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Давлат халқ таълими комитетининг раиси Г. А. Ягодин ва бошқа ўртоқлар КПССнинг илмий муассасалари ва ўқув юртлари системасида юз бериши лозим бўлган асосий ўзгартишларни таърифлаб бердилар. Хусусан, илмий ишлар ва ўқув ишларини ташкил этишнинг ўзаро боғлиқ шаклларига режали асосда ўтиш, хўжалик ҳисоби ва ўз ҳаражатларини ўзи қоплаш усулларидан фаол фойдаланиш, партия ўқув базасини, масалан, ўрта мактабларнинг жамиятшунослик фанлари ўқитувчиларини тайёрлаш учун очиб қўйиш кўзда тутилмоқда.

Муҳокама чоғида таклиф этилаётган ислоҳотдаги сиёсий ва иқтисодий жиҳатларнинг ўзаро нисбати тўғрисидаги масала алоҳида эътиборни жалб қилди. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари О. С. Шенин, Г. В. Семенова, И. Т. Фролов КПССнинг илмий ва ўқув муассасалари партияга мансублигини сақлаб қолиш, таълим олувчилар контингентини пухта ўйламай кенгайтиришдан қочиш партия мулки талон-торож қилинишига йўл қўймаслик зарурлиги ҳақида гапирдилар. Янги касбларнинг оғиздан тушмаётган номларини деб фалсафа ва сиёсий иқтисодга доир юқори малакали мутахассислар, Маркс, Энгельс, Ленин таълимоти билимдонларидан маҳрум бўлиш мумкин эмас, деб таъкидланди мажлисда. Бу партиянинг энг қимматли бойлигидир.

КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи котиби Ю. А. Прокофьев нутқида устиворлик муаммоси давом эттирилди. Биз аввало: ислоҳот нима учун зарур, деган саволга жавоб беришимиз керак. Бунга икки хил жавоб қайтариш мумкин: ислоҳот ўқув юртларининг ўзидаги ишларни ўнглаб олиш учун зарур; ислоҳот партиядаги ишни ўнглаб олиш учун зарур. Менимча, иккинчи жавоб тўғрироқ. Коммунизмга қарши тўлқин авж олмоқда, аммо партия назариётчилари бунга жиддий жавоб беришяптими? Ўқув юртларимиз очиқ бўлиши керак — лекин ўқитувчилар учун, ишчиларни, меҳнаткашларнинг бошқа тоифаларини бозорга тайёрлаш учун очиқ бўлиши керак.

Бугун гап бораётган ислоҳотда асосий масала — партиянинг, унинг келажагининг, партиянинг сиёсий рақибларга қарама-қарши туриш қобилиятининг манфаатларидир, деб қўшилишди кўпгина нотиқлар. КПСС Марказий Комитетининг котиби П. К. Лучинскийнинг фикрича, партия ўқув юртлари системасидаги профессорларнинг, муаллимларнинг оммавий ахборот воситаларидаги чиқишлари шунга фаол ёрдам бериши керак. Бу соҳада янги муаммоларга тезкорлик билан фикр билдириш, барча ишга мунтазам тус бериш, ўз фаолиятини мувофиқлаштириб бораётган ўзига хос «тез ҳаракат қилиш гуруҳлари»ни тузиш айниқса муҳимдир. КПСС Марказий Комитетининг котиби В. М. Фалин таъкидлаб ўтганидек КПСС учун юқори малакали кадрларни тайёрлашдаги устиворлик чет тиллар, тарих ва бошқа фанларга доир курсларни ташкил этиб, партия ўқув юртларида ёш авлод билан иш олиб бориш имкониятларини излаш билан ҳимоя қилиниши керак.

В. А. Ивашко муҳокамага якун ясаб таъкидладики, КПСС илмий муассасалари ва ўқув юртлари системасини ислоҳ қилиш ижтимоий онгни социализм қадриятларига қаратиш вазифасини ҳам қўймоқда. Баъзи бировлар социализм қадриятлари ўз кучи ва аҳамиятини йўқотди, деб эълон қилишга шошилмоқдалар. Ижтимоий онгни социализм қадриятларига қаратишда фан ёрдам бермоғи керак. Лекин фан билан маслаҳатлашмай қабул қилинган сиёсий қарорларни кейинчалик асослаш ва оқлаш билан кўп йиллар давомида шуғулланиб келган фан эмас, балки сиёсий қарорларнинг назарий ва тажриба базаси бўлиб хизмат қиладиган фан ёрдам бериши керак.

КПСС Марказий Комитети Котибияти кўриб чиқилган масала юзасидан қабул қилган қарор матбуотда эълон қилинади.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ МАТБУОТ МАРКАЗИ.

ЯНГИ ЦЕХ

Гулистон сут заводида сариёғ тайёрлаш ихтисослаштирилган ишлаб чиқаришга айлантирилмоқда.

Бунинг учун бу ерда алоҳида цех қурила бошланди.

Бу цех қурилиши 844 минг сўмга тушади. Мавжуд шароитда сариёғ ишлаб чиқариш фойда келтирмас эди.

Ихтисослаштирилган цехда эса замонавий машина-ускуналардан фойдаланиш шарофати билан энг янги технологиялар қўлланилади.

Оқолтин сут тайёрлаш пункти ҳам реконструкция қилиняпти. Бу ерда тайёр сут маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган митти завод иш бошлайди. Ильич районидаги тайёрлаш пунктида ҳозирнинг ўзидаёқ шундай завод ишлаб турибди.

(ЎзТАГ мухбири).

ИШТИЁҚ

● Халқда: «Касбини эъзозлаган — ўзини эъзозлайди» дейилиши бежиз эмас. Кимки ўзи ишлаётган касбнинг янги қирралари, ўзига хос жиҳатларини муттасил ўрганса маҳорати ортади, иши енгиллашади, маҳсулоти сифатли бўлиб бораверади.

Собира тўқувчилик касбига қўл урганидан сал ўтмаёқ бунга тўла қаноат ҳосил қилди. Ҳақиқатан ҳам касб сирларини муттасил ўрганиш унинг кайфиятини кўтармоқда. Маҳорати ортган сари маҳсулот тайёрлаш ҳажми кўпайиб, сифати яхшиланиб бормоқда.

Суратда: Бухородаги Шофиркон гилам тўқиш фабрикасининг пешқадам ишчиси Собира Нусратова.

К. КАРИМОВ олган сурат.

● Ягона оила туйғуси

ЖОНГА КУЙГАН-ЖОНДАЙ ДЎСТ

Бурноғи йилнинг июнь ойлари эди. Зейнали оғанинг дарвозаси олдига кимдир унга таҳдид қилиб, бу ердан тезда кўчиб кетиши тўғрисида хат ташлаб кетди. Хатни Зейнали оғанинг еттинчи синфда ўқийдиган қизчаси ховли супираётиб топиб олди ва уни дадасига кўрсатди. Аммо бу қишлоқ аҳли учун янгилик эмас эди. Бундай хатларни турклар яшайдиган бошқа уйларга ҳам ташлаб кетишаётган эди. Зейнали оға ўйланиб қолди.

Нима қилиш керак? Кетсинми, қаерга боради? Бу ёқда болалари, ўғли Гулаҳмадни эса кечагина ўзбек қизига уйлантирди, тўйларида бутун қишлоқ меҳмон бўлди. Унда турк қўшиқлари билан ўзбек рақслари, тожик наволари билан қрим татар куйлари бир-бирига уланиб кетди. Қишлоқ Кенгаши ижроқўмининг раиса Бахтихон Мадаминованинг ўзи тўйда икки ёшга бахт-иқбол тилаб, никоҳ гувоҳномаларини топширди. Умуман, Дўстлик қишлоқ Кенгашининг кишилари Зейнали оғани доим ҳурмат қилишади. У бу ерга кўчиб келганига 23 йил бўлибдики, бировдан ёмонлик кўрмади. Шу ернинг одамлари Зейнали оғага муттасил эътибор билан қарашди. Меҳрқоғиклат билан бир улфатдай гаплашган ва яқин дўстдай ғамхўрлик кўрсатган эди. Ахир шундай одамлардан «кет» деган гап чиқадими? Зейнали оға шу ҳақда ўйлаб, ўйининг охирига етолмади.

У эрталаб ижрокомга борди. Раиса уни илиқ кутиб олди, болаларини суриштирди, шашти пастроқ эканлиги сабабини сўради.

— Бахтихон, мен ҳам кетмоқчиман, — деб кўзида жиққа ёш билан раисага мурожаат қилди оға. — Қавмларимизнинг бари кетиб бўлишди, шулар нима бўлса мен ҳам шу... — У кўз ёшларини ароқатиб йиғлаб юборди. Бахтихон уни қайтариш учун харчанд ҳаракат қилса ҳам бўлмади. Зейнали Лочиновнинг қарори қатъий эди.

Эртаси куни эса қишлоқда «Зейнали оға кўчиб кетибди», деган гап тарқалди.

Қисқа вақт ичида қишлоқдан ўттизга яқин оила кўчиб, баъзи маҳаллалар ҳувиллаб қолди. «Бирлик», «Ғаллақудуқ», ВЛКСМ 50 йиллиги номли совхозларнинг айрим далалари бўшаб қолди. Орадан ойлар ўтди. Тўсатдан, бир кун қишлоқда Зейнали оға кўчиб келганмиш, Эдим, Гулпари, Салиҳалар ҳам қайтиб келибди, деган хушхабар тарқалди. Эрталаб ҳамма ўз-ўзидан қишлоқ Кенгаши идорасининг олдида тўпланди. Бу ерга совхоз директори, бўлимларнинг бошлиқлари ҳам келишган эди.

— Биз Россиянинг анча жойларини кўрдик, кўп ўйладик. Ўз ерим — ўлан тўшагим, қайтамиз деган қарорга келдик. Чунки элингдан айрилсанг белингдан қувват кетади, деган гап тўғри экан. Бизни бағрига олган эл ҳам, юрт ҳам шу ерда, — деди Зейнали оға. — Агар рухсат берсаларинг, далада ишлайверсам.

Одамларнинг чеҳралари ёришди, қучоқ очиб омонлашдилар. Маҳалланинг қора-қура болалари эса аллақачон Зейнали оға билан бирга келган оилаларнинг болаларини, ўзларининг мактабдош дўстларини шафтоли, узум, олма, помидор ва бошқа мевалар билан меҳмон қилишар эди.

— Ҳеч ким сизларни кет дегани йўқ, — деди «Ғаллақудуқ» совхозининг директори Г. П. Гриценко. — Ўз қавмларингиз томонидан битилган сохта мактуб сизларни саросимага солди. Бизларга нисбатан ишончсизлик туғдирди, Майли, ўтган ишга саловат, бориб бригадангизни бошқаринг.

Директор яна ҳазиллашиб, келганларнинг кўнглини кўтарди. Ўша куниёқ қайтиб келган олти оилага совхоз томонидан ун, гуруч, ёғ-гўшт, сабзавот, картошка ва бошқа озиқ-овқатлар, пул берилди. Кўчиб келганлар эр-монов бошлиқ ижарачилар ўтган йил ўзларига биркитилган 44 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 13 тоннага етказиб картошка етиштирдилар. Борис Ли бошқараётган «Дўстлик» ижара жамоа аъзолари эса район миқёсида ҳали сира ҳам кўрилмаган миқдорда полиз маҳсулотларни етиштирдилар. Қорақир қишлоғидаги юзоқ миллатига мансуб бўлган А. Айтмуродов, чорвадор Н. Норматқулов ҳам йилни чорвачиликдан мўл-кўл маҳсулот етиштириш билан якунладилар.

— Қишлоқ Кенгашининг депутатлари орасида ҳам барча милатларнинг вакиллари бор, — дейди ижроком раиса Б. Мадаминова. — Қишлоқ Кенгаши депутати Е. Булгонбоева маҳаллий хотин-қизларнинг саркори. У раҳбарлик қилаётган қишлоқ Кенгаши ҳудудидаги хотин-қизларнинг меҳнатини енгиллаштириш бўйича анча ишлар қилинди. Жумладан, далада ишлаётганларнинг болалари учун иккита мавсумий боғча ташкил этилди. Бу ишда унга қрим татар қизи Уляна Измерли, украин таси куниёқ ҳеч нима бўлмагандай ишга киришиб кетдилар.

Оҳангарон районидаги Дўстлик қишлоқ Кенгашида содир бўлган бу воқеага ҳам анча бўлди. Кейинчалик кўчиб кетган турк оилаларининг кўпчилиги қайтиб келди.

Дўстлик қишлоқ Кенгаши теграсида ўндан ортиқ миллат вакиллари яшайди. Улар қайси участкада меҳнат қилмасин ҳамон топширилган ишнинг баракали ва самарали бўлишига интилмоқда. Масалан, тожик миллатига мансуб бўлган Содиғали Раҳаёл Елена Кириенко яқиндан ёрдам беришди. Алексей Мин бошчилигидаги қишлоқ фаоллари эса чорва учун мўл озуқа жамғариш ташаббускори бўлдилар. Турк Зейнали Лочинов бошқараётган боғдорлар сархил мева етиштириб, давлат планини адо этишди. Қозоқ аёли Унсиной Матованинг ташаббуси билан армия сафида хизмат қилаётган қишлоқ болалари ҳаётидан мунтазам хабар олиб туришибди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Дарҳақиқат, Дўстлик қишлоқ Кенгашида миллатлар дан қатъи назар ҳамиша бағри кенг, дўст учун уй эшиги доим очиқ бўлади, — деди Г. Гриценко. — Сирасини айтганда «сен у миллатдансан, мен бу миллатданман» деган ғап унинг хаёлига ҳам келмайди. Чунки меҳнат миллат танламайди-да. Шунинг учун ҳам ўзбекнинг уйи ёнига қозоқ ўтов тикади, турк ўз боғидан узган мевасини корейснинг тўй дастурхонига қўяди. — Шу ерда у бироз тўхталиб «тилининг учидаги» гапни айтайми-айтмайми дегандай ўйланиб турди-да, сўнг сўзида давом этди. — Биласизми мен шу кунларда баъзи марказий рўзнома ва ойномаларни кўриб бир нарсага ҳайрон қоляпман. Шундай мақолалар чиқяптики. Ўқисанг тепа сочинг тикка бўлиб кетади. Турган-битгани бўхтон, тинчгина тириқчилиги билан шуғулланиб юрган одамларни бир-бири билан қирпичоқ қилиш, ўртага раҳна солиб юз кўрмас бўлиб кетишига даъват қиладиган мақолалар. Мана кўринг, — у шундай деб қўлидаги ғижимланган рўзномани стол устига ташлади. Разм солдим, номи лотинча ҳарфлар билан битилган: «Мегаполис, Экспресс». Халқаро ҳафталик рўзнома. Варақладим. Ички бетида «Ўзбек самовари» деган мақола босилганди. Муаллифи — Елена Пеструхина. Гриценко айтмоқчи бошдан охиригача жумҳуриятимиз, унинг халқи ҳақида туҳмат-бўхтондан иборат. Мақоланинг туб-тубида эса мараз бир мақсад яширингани манаман деб турибди: қандай қилиб бўлса ҳам жумҳуриятда миллий жанжал чиқариш, тинч-осойишта яшаб меҳнат қилаётган турли миллат кишиларини бир-бирига қарши қўйиш.

Ўртага чўккан оғир сукунатни яна Гриценко бузди.

— Мен халқларнинг ўртасига нифоқ солиб, уларни ажратишга ҳаракат қилаётган мана шундай «халқ дўстлари»нинг юзидаги ниқобини сидириб, ҳақиқий афт-башарасини кўрсатиш ва бу галамисларга узил-кесил зарба бериш керак, дейман. Улар асло дўстнинг ишини қилаётганлари йўқ, ниятлари бошқа. Ана шуни сира ҳам унутмайлик.

У айни ҳақиқатни айтди.

М. ҚАЮМОВ,

«Совет Ўзбекистони» жамоатчи мухбири.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши сессияси минбарига

• Умидли мактублар устидаги ўйлар

ТАДБИРКОРЛИК — ТАРАҚҚИЁТ ЗАМИНИ

Ҳар қандай жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий пойдеворини ўзгартириш аслида инқилобий асосда олиб борилади. Бунга тарих гувоҳ. Тарих яна шу нарсани исботладики, марказий бошқарув системасига асосланган иқтисодиёт ўзининг ҳаётий эмаслигини, инсоннинг тўхтовсиз ўсувчи талабларига дош беролмаслигини ва у бозор иқтисодиёти билан алмаштирилиши кераклигини кўндаланг қилиб қўйди.

Хўш, ҳозир ҳамманинг фикру зикрини банд этган бозор иқтисодиётининг ўзи нима? Биринчидан, бозор иқтисодиёти — бу товар ишлаб чиқарувчиларнинг эркин рақобатига ва хилма-хил мулк шаклларига асосланган иқтисодиёт. Иккинчидан, бозор иқтисодиёти — бу адолатли қонунлар асосида олиб бориладиган аёвсиз кураш майдони. Учинчидан, бозор иқтисодиёти — юксак маданиятли, инсофли тадбиркор, қонунни ҳурмат қилувчи ва меҳнатни ўта сезувчи ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасидаги муносабатлар йиғиндисидир.

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг асосий шартларидан бири — жумҳуриятимизда тадбиркор, ишбилармон, зийрак, ташаббускор кишиларни ишлаб чиқариш жараёнига тезроқ жалб этишдан иборат. Ҳозир жумҳуриятлар мустақиллиги учун кураш энг асосий масала бўлиб турибди. Бу — тўғри. Чунки мустақиллик бозор иқтисодиётининг заминидир.

Ёдда тутиш керакки, бу масаланинг тагида товар ишлаб чиқарувчининг эркинлиги ҳам ётади. Жумҳурият мустақилликни қўлга киритиб, фуқароларини сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий эркинлик билан таъминлаши керак. Чунки тараққиёт заминида эркин инсон ётади. Ҳар қандай шахснинг эркинлиги асосида эса унинг мулкдорлиги назарга олинади. Агар шахс бирон бир мулкни, ҳеч бўлмаганда ўзининг меҳнат қилиш қобилиятини, илмий тил билан айтганда иш кучини тасарруф этиш, унга эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлмас экан, у ҳеч қачон эркин бўлолмайди.

Жумҳуриятимиз Президенти И. Каримов «Известия» рўзномаси мухбири билан суҳбатида таъкидлаганидек: «Умуман фақат хусусий мулк эгасигина ёки шундай мулкка эга бўлиш учун барча имконияти бор одамгина меҳнатни сева олади. Ҳеч нима — на хусусий уй, на ўзига муносиб даромад керак бўлмаган одам эса ижтимоий жиҳатдан хийла хавфли бўлади. Бунга имоним комил».

Шундай эркинликнинг иқтисодий асосларини ҳуқуқий таъминловчи қонунлардан бири — «Тадбиркорлик тўғрисидаги» Қонундир. Тадбиркорлик биз учун янги нарса эмас, чунки у Ўрта Осиё тарихида жуда катта из қолдирган. Яқин йилларгача бизлар косиблар, ҳунармандлар, даллоллар, савдогарлар ва соҳибкорларсиз ҳаётни тасаввур қила олмас эдик. Чунки улар фаолияти ўша даврнинг, ибтидоий бўлса ҳам мавжуд бўлган бозор иқтисодиёти доимий ҳаракатининг асосий манбаи эди.

Инқилобий йиллар Ўрта Осиё халқларига озодлик шамолинигина эмас, якка ҳукмронлик тўс-тўпалонини ҳам олиб келди. Натижада мафкуравий ёндашиш кучайиб, тадбиркорлар синф сифатида ғайриқонуний деб топилиши кейинги авлод руҳини тарбиялашда жуда катта иллат қолдирди. Тадбиркорларга қарши мафкуравий кураш ҳунар тажрибасига аёвсиз зарба берди.

Тадбиркорларга қарши қатағон ҳозир ҳам давом этиб келяпти. Келаётган мактубларнинг кўпида мана шу нарсадан ҳадиксираш бор. Кўплар: «Тадбиркорликка кенг йўл очиб бериб жуда савобли иш қиляпсизлар, лекин бизни хавфли тақдир кутмаяптимикан?» деган мазмунда ҳақли мурожаатлар қилишмоқда.

Қонун лойиҳаси муҳокамасида қатнашганларнинг кўп таклифларида Қонуннинг давлат томонидан бериладиган кафолатини янада аниқлаштириш ва тадбиркорлар ҳаракатига сунъий тўсқинлик қилмасликка эришиш асосий вазифа экани таъкидланган. Бу мақсадга биз Қонун лойиҳасини такомиллаштириш натижасида тўла эришдик, десак бўлади.

«Ўзбекистон ССРда тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси давлатнинг фуқаролар амалий фаоллиги ва улар тадбиркорлик фаолиятида мулкнинг исталган шаклларидан эркин ва мустақил фойдаланиш асосида тадбиркорликни ривожлантиришдан манфаатдор эканлигини акс эттириб, тадбиркорлар ҳуқуқлари ва манфаатларининг қуйидаги кафолатларини назарда тутади.

Биринчидан, тадбиркорларнинг «Ўзбекистон ССРда мулкчилик тўғрисида»ги Қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган мулкчилик муносабатлари барқарорлигига кафолат беради. Қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳоллардан ташқари ҳолатларда мулкдорларнинг молмулкини зўрлик билан тортиб олишга йўл қўйилмайди.

Иккинчидан, Ўзбекистон ССР давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари мулкдорларнинг ҳуқуқини тўхтатадиган қонун ҳужжатларини қабул этган тақдирда, шу ҳужжатлар қабул этилиши натижасида мулкдорларга етказилган зарарлар суднинг қарорига биноан тегишли ҳокимият идораси ёки унинг бошқарув идораси ихтиёридаги маблағ ҳисобидан мулкдорга тўла ҳажмда тўланади.

Учинчидан, Ўзбекистон ССР қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолатларда ва тартибда мулкдорнинг мажбуриятлари юзасидан унинг мол-мулкига нисбатан жазо чораси кўрилган тақдирдагина мулкдор ихтиёридаги корхонанинг мол-мулки давлат томонидан тортиб олинишига йўл қўйилади.

Тошкентлик А. Ҳикматов, Г. Шукуров, Т. Эшонбоев, А. Гончарова, А. Королев, Г. Саидова, А. Абдуғаннев, М. Турсунхўжаев, наманганлик О. Ҳамидов, А. Раззоқов, У. Бекмирзаев, фарғоналик А. Абдураззоқов, М. Халилов, қашқадарёлик Т. Ашуров, самарқандлик В. Қаҳрамонов, марғилонлик Р. Маҳмудов ўртоқларнинг аниқ фикрлари Қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш ҳисса қўшди. Кўп мактубларда жумҳурият миллий бойликларига омилкорлик билан муносабатда бўлишнинг ҳуқуқий асосларини кучайтириш таклиф этилган. Собир Раҳимов номидаги Абдулла Набиев маҳалласида яшовчиларнинг бир гуруҳи номидан Холида Тўраҳўжаева билдирган мана шу таклиф ҳисобга олинди. Бир қанча мактубларда бу Қонун лойиҳасида тадбиркорлик аломатлари, айниқса таваккалчилик ва ёлланма меҳнатдан фойдаланиш ҳуқуқларини янада кенгроқ ёритиб кўрсатиш таклиф этилган.

Якка шахснинг ёки тадбиркорлар жамоасининг мулки давлат, кооператив (шу жумладан, жамоа хўжаликлари) ва бошқа корхоналар мол-мулкининг ҳаммасини ёки бир қисмини ўзига ўтказиб олиш ёки сотиб олиш, мол-мулкини ижарага ҳақ тўлаб олиш натижасида ёки қонунда кўзда тутилган бошқа усуллар билан тадбиркорнинг шахсий маблағи ёки банк кредитлари асосида вужудга келиши мумкин. Ушбу Қонун лойиҳаси давлат идораси ёки хусусий шахс бўлишидан қатъи назар, мулкчилик ва хўжалик юритиш ҳуқуқининг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида тадбиркорнинг мақомини (ҳуқуқий мавқеини) белгилайди.

Қонун лойиҳасида тадбиркорликнинг вазифалари Ўзбекистон ССРнинг ўзига хос шарт-шароитлари ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда жумҳурият халқ хўжалигида бозор муносабатларини шакллантириш зарурлиги нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда белгиланган. Бу вазифалар — истеъмол бозорини тезроқ мўл-кўл қилиш, аҳолининг ижтимоий-маиший эҳтиёжларини иложи борича тўлароқ қондириш учун шароит яратиш, жумҳурият барча бойликларидан самарали фойдаланиш, аҳолининг юксак даражада ва самарали равишда иш билан таъминланишига эришишга қаратилган.

Айни пайтда Қонун лойиҳаси тадбиркорнинг зиммасига шартномавий ва ҳуқуқий интизомга риоя қилиш, шунингдек ёллаш асосида жалб қилинадиган ишчиларнинг Ўзбекистон ССР меҳнат қонунлари билан мустаҳкамланган нормаларига риоя этиш мажбуриятини ҳам юклайди.

Тадбиркор ёлланиб ишлаётган ходимлар билан амалдаги қонунларга мувофиқ меҳнат шартномалари (битимлари) тузиши, корхонанинг молиявий аҳволидан қатъи назар, ишга жалб этилган барча ходимлар билан тузилган шартномага мувофиқ тўла-тўкис ҳисобкитоб қилиши шарт. Тадбиркор шартнома ёки битимда қайд этилган бир соатлик иш ҳақининг энг кам миқдори давлат томонидан белгиланган энг кам миқдордан паст бўлмаслигини назарга олишга мажбур.

Ўзбекистон ССРда тадбиркорлик тўғрисидаги Қонун лойиҳаси меҳнаткашларнинг ижтимоий ҳимояланишини ҳам таъминлайдики, тадбиркор зиммасига Ўзбекистон ССР қонунларига мувофиқ корхона ишчиларининг ижтимоий суғурта ва ижтимоий таъминот фондларига корхона маблағларидан ажратмалар ўтказиш вазифасини юклайди. Корхонада ишланган вақт ходимнинг (шунингдек тадбиркорнинг ҳам) меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади. Бу эса корхонанинг ижтимоий таъминот фондларига ўтказган ажратмалари асосида пенсия олиш ҳуқуқини беради.

Дарҳақиқат юқорида зикр этилганларни амалиётга татбиқ этиш осон кечмайди. Шу маънода «Правда Востока» рўзномасида (№ 243) Леонид Хваннинг «Қонундаги «оқ тамғалар» сарлавҳали мақоласида кўтарилган асосий фикрга, яъни фақат қонунлар мажмуасигина бирга-ликда ҳаракат қила олади, деган фикрга биз ҳам қўшиламиз. Чунки ҳақиқатан ҳам бутун бошли хўжалик системасини тубдан ўзгартириш учун бир ё иккита қонун қабул қилиш билан эришиш мумкин эмас.

Лекин унинг фикрича, авваламбор тадбиркорлик Қонунини эмас (бунга ҳали эрта эмиш), балки банк системасини ўзгартирувчи қонунларни қабул қилиш керак экан. Буни исботлаш учун у Ғарбий Самоа давлатида ўтказилган ислоҳотни мисол қилиб кўрсатган. Бизнинг фикримизча, дастлаб айнан тадбиркорликдан бошлаш керак. Чунки ишлаб чиқарувчига эркин шароит яратиб бермасдан туриб, молияда ислоҳот бошлаш пулнинг бундан ҳам янада қадрсизланишига олиб келади, бу — биринчидан. Иккинчидан, Ғарбий Самоа давлатида пул бирлиги чет эл пулларига эркин алмаштирилиб, молия ислоҳоти учун керакли замин яратади. Учинчидан, бизда асосий мулк ягона давлат мулки ҳисобланади. Уни жузъийлаштирмасдан ва хусусийлаштирмасдан туриб молия ислоҳотини, қолаверса, умуман бозор иқтисодиётига ўтишни амалга ошириб бўлмайди. Кўп мактубларда «Тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонун тезроқ қабул қилинишига тарафдорлик билдирилиб, уни амалга оширишнинг иқтисодий механизми қандай яратилади, деган ўринли саволлар бериляпти. Ҳақиқатан ҳам қонунларни қабул қилиш бир масала, лекин уни ҳаётга татбиқ этиш янада мушкул масала. Яқинда қабул қилинган Ўзбекистон ССР мулк тўғрисидаги Қонуни ҳали ҳам Адлия вазирлигининг конкрет кўрсатмалари таркиби тайёр бўлмагани учун ҳаракат қила олмай ётибди.

Агар биз бундай масъулиятсизликка, тўрачиликка чек қўймас эканмиз, «Тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонунни ҳам шу тақдир кутмоқда. Тадбиркорлик қанчалик тез амалга оширилса, жумҳуриятимизда тез тараққиёт учун мустаҳкам замин яратилади.

Тадбиркорларнинг шакланиши жамиятимизнинг ижтимоий ҳаётида туб ўзгаришга ҳам асос солади. Янги мулкдорлар синфи пайдо бўлади. Бу янги ижтимоий-иқтисодий табақа демократия учун минбарларда эмас, балки амалда курашади. Ҳозирги демократия лойдан ясалган ғилдиракли аравани эслатади, чунки бу демократия заминида шу демократияни эъзозлайдиган ижтимоий синфнинг ўзи йўқ. Янги вужудга келадиган тадбиркорлар табақаси учун эса демократия сув билан ҳаводек зарур.

Э. ХЎЖАЕВ,
Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши қошидаги Иқтисодий ислоҳот ва ўз-ўзини бошқариш қўмитаси раисининг муовини.
Р. КАРИМОВ,
Ўзбекистон ФА Иқтисод билимгоҳининг бозор иқтисодиёти назарияси бўлими мудири.

ЭРКИН КАФОЛАТ

Бугунги кунда тадбиркорликни тўла ривожлантириш учун биринчи навбатда ишбилармон кишиларга ҳалақит бермаслик, уларнинг аниқ бир соҳада қобилиятларини намоён этишларига ва бу ишни кенгайтириш учун ўз маслакдошларини йиғишига тўсқинлик қилмаслик лозим. Иккинчидан, уларнинг эркин фаолият кўрсатишлари учун тегишли шароитлар яратиб бериш, шу жумладан давлат моддий ёрдамини ҳам ташкил этиш зарур. Шу ўринда бир нарсани унутмаслик лозим: майда корхоналарнинг ривож топишида давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари томонидан кўрсатилаётган ёрдам аниқ ташкилий асосларда амалга оширилгандагина самарали натижалар бериши мумкин.

Ҳозирги пайтда кўпчилик кишилар бозор муносабатларига ўтилса, ишлаб чиқариш воситалари катта маблағга эга бўлган махфий иқтисодиёт вакиллари қўлига ўтиб қолмасмикан, деган ташвишли фикрларни билдиряпти. Бу нарса тезроқ пул ислоҳотини ўтказиш ва мамлакатда бозор муносабатларига ўтишда бир қадар кескин ёндашувларни амалга оширишни талаб этилаётганида ҳам кўзга ташланмоқда. Бироқ қадимий жаҳон иқтисодиёти тарихидан маълумки, йирик мерос эгаси бўлган кишилар ҳам бозор иқтисодиёти шароитида ўз маблағларини фойдали ишга тўғри сарфлай олмай синиб кетишган.

Очиғини айтганда, маъмурий-буйруқбозлик системаси камчиликларидан шахсий манфаатларни кўзлаб бойиш билан умуман бошқача шароитда, хусусий бозор рақобати остида самарали тарзда замонавий ишлаб чиқаришни ташкил этиш эвазига бойиш ўртасида катта фарқ бор. Бозор шуниси билан яхшики, у ҳамма нарсани ўз хизматига яраша жойжойига қўяди. Тўғри, суиистеъмолликлар бозор системасида ҳам бўлади. Бироқ уни тоталитар тузум даврида юз берган суиистеъмолликлар, порахўрликлар билан умуман қиёслаб бўлмайди. Чунки бундай салбий ҳодисаларни камайтириш гарови сифатида давлат томонидан ишлаб чиқилган қонунлар, рақобат эркинлиги, демократик жамият бўлади.

Тадбиркорлик қобилияти — бу жуда катта истеъдод, қолаверса эҳтиёт қилиниши ва ривожлантирилиши лозим бўлган йирик омил. Ишбилармонлик қобилиятига эгрилик билан маблағ тўплаш, ўғрилик, пора билан ўзига оғдириб олиш, фирибгарлик сингари салбий хусусиятлар бегона. Шунинг учун ишонч билан айтиш мумкинки, маъмурий-буйруқбозлик системасида бизнинг мамлакатимизда бундай кишиларга умуман йўл берилмади. Улар фаолиятига турли даражада тўсиқлар қўйиб ташланди.

Эндиликда мамлакатимизда ва республикамизда тадбиркорлик ҳамда бозорни ривожлантириш учун дастлабки замин яратилди. Очиғи, бунинг учун бизда хом ашё базаси, иқлимий шароитлар, бозорда маҳсулотлар тақчиллиги (бу эса ўз навбатида рақобатсиз ҳар хил истеъмол молларини ишлаб чиқаришга қўмаклашади) сингари имкониятлар бор. Бундан ташқари бозор шароитида майда бизнеснинг ривожланишига ёрдам берадиган йирик монополия сиёсатига қарши кўп йиллик жаҳон тажрибаси бизга қўл келиши турган гап. Боз устига тадбиркорликни кенгайтиришда давлат томонидан амалий ёрдам кучайтирилишини қўшадиган бўлсак, яқин йилларда мазкур тадбирнинг иқтисодиёт учун қанчалик самара келтиришини тасаввур қилишингиз қийин.

Қадимдан айтишган: ўз хатойингни ўрганишдан ёмони йўқ. Бошқариладиган бозор муносабатлари жамиятини қуришни бошлаганимиздаёқ, биз анчагина хатоларга йўл қўйдик.

Тўғриси, республикамиз ҳукумати Иттифоқ юқори органларидан фарқли ўлароқ бу даврда қўлни қовуштириб ўтирмади. Тегишли амалий тадбирларни белгилаб чиқди. Менимча, яқинда матбуотда эълон қилинган «Ўзбекистон ССРда тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси бу ҳақда жамоатчилик фикрини ўрганишнинг муҳим шарти бўлиб қолди. Мазкур Қонуннинг қабул қилиниши эркин иқтисодий фаолият учун кенг йўл очади, савдо пештахталарининг мўл-кўл маҳсулотлар билан тўлдирилишини таъминлайди.

Бироқ шуни айтиш керакки, бизда кўпгина қобилиятли тадбиркор кишилар ўз фаолиятларини бошлашлари учун етарли даражада маблағга эга эмаслар. Уларнинг ишлаб чиқариш воситалари ҳам йўқ. Энг муҳими, қандай зарурий маҳсулотларни бугунги кунда кўпроқ ишлаб чиқарган маъқул, деган саволга жавоб топиш қийин. Негаки, улар қайси жойларда аҳоли учун қандай истеъмол буюмлари зарурлиги ҳақидаги ахборотга эга эмас. Ҳом ашё сотиб оладиган бозорлар умуман кам.

Қонун лойиҳаси «Тадбиркорликнинг давлат билан ўзаро муносабатлари» деган бўлимининг 3- ва 5-бандларида тадбиркорларга бу борада бериладиган ёрдам ҳақида наридан-бери фикрлар айтиб ўтилган. Менимча, ушбу бандни янада аниқ қилиб, қуйидагича тўлдириш керак:

1. Барча даражадаги давлат органлари бошқарувида фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятига кўмаклашувчи комиссия ва фондлар тузилади. Мазкур комиссия тадбиркорларга ва бу иш билан шуғулланишни хоҳлаган кишиларга халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқариш бўйича барча тегишли йўналишларни; процентсиз молиявий ёрдам бериш шарт-шароитларини; маълум муддат (бир ёки икки йил) ҳом ашё билан таъминлаб туришини; фойдали давлат корхоналаридаги ишлаб чиқариш воситалари танлов йўли билан қобилиятли тадбиркор кишиларга берилишини ва бошқа шу кабиларни ахборот воситалари орқали етказиб туради.

2. Республикада тадбиркорликнинг муваффақиятли ривожланиши учун йилига барча даражадаги ҳудудий бўлинишларда ва бозорни турли истеъмол буюмлари билан тўлдиришда йилнинг «Энг яхши тадбиркори»ни аниқловчи кўрик-танлов эълон қилинади.

3. Давлатнинг ҳудудий бошқарув органлари бозордаги нархни тартибга солиш учун, шунингдек у ёки бу маҳсулотни ишлаб чиқаришда яккаҳокимлик ҳуқуқи учун курашда барча мулкчилик шаклидаги корхоналарга давлат буюртмасини белгилаши мумкин.

Яна бир муҳим омил. Кўпчилик оммавий ахборот воситалари тадбиркор ва менеджерлар ўқуви ташкил этилганлиги ҳақида эълон ва билдирувлар беришади. Албатта, бу яхши мақсадларга қаратилган. Бироқ мазкур ўқувлар тўлов ҳақлари қимматлиги туфайли аксарият кишилар бунга жалб қилишмайди. Бозор муносабатларини шакллантиришда давлат ва жамият фуқаролар орасидаги ишбилармонликка қобилияти борларини ўз ҳисобига чет мамлакатларда ўқитиши мақсадга мувофиқ бўлур эди. Бу соҳада республикамизда амалий ишлар олиб борилаётганлиги эътиборга лойиқ.

Умуман олганда, жумҳуриятимизда бозор иқтисодиётига ўтиш учун барча тегишли омиллар ишга солиняпти. Менимча, тадбиркорлик тўғрисидаги Қонуннинг қабул қилиниши бу соҳадаги ишларнинг жадаллашишига ёрдам беради.

С. БОЙДАДАЕВ.

Самарадорлик мезони

Республикамизда фуқароларнинг ишбилармонлик, ташаббускорлик тажрибаларини қўллаб-қувватлашга қаратилган тадбирлар ишлаб чиқилаётгани кўпчилик қатори мени ҳам қувонтирмоқда. Айниқса, «Тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонун лойиҳасининг эълон қилиниши республика ҳукуматининг бу йўлда изчил, аниқ қадам ташлаётганлигидан далолат бериб турибди.

Қонун лойиҳасини маъқуллаб, бир мулоҳазамни айтмоқчиман. Маълумки, бизда пахта асосий экин ҳисобланади. Шуни ҳисобга олиб, тадбиркор кишиларнинг эътиборини айнан шу хом ашё турини ўзимизда қайта ишлашга қаратмоғимиз лозим. Бунда эски анъаналарни тиклаш, анъанавий ишлаб чиқариш воситаларини кўпайтиришга ҳаракат қилинса. Менимча, бу йўлда иш юритишни хоҳлаган ҳар бир кишига тегишли давлат ёрдами берилса, тармоқда пахтачилик самарадорлиги ошган бўларди. Энг муҳими, деҳқоннинг ижтимоий аҳволи яхшиланади.

У. ТУЙЧИЕВ,
меҳнат фахрийси.
Андижон вилояти.

СССР ЖУРНАЛИСТЛАР УЮШМАСИ VII СЪЕЗДИНИНГ СССР ПРЕЗИДЕНТИГА, СССР ОЛИЙ КЕНГАШИГА, ИТТИФОҚДОШ РЕСПУБЛИКАЛАРНИНГ ОЛИЙ КЕНГАШЛАРИГА

МУРОЖААТИ

СССР Журналистлар съезди сўз ва матбуот эркинлигини иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоя қилишни таъминлаш зарурлигини таъкидлайди, эътиборни журналистларнинг касб билан боғлиқ ва гражданлик ҳуқуқлари бузилаётганлигига қаратади.

Съезд қуйидагиларни таклиф этади:

— Таҳририят ва журналистлар уюшмаларининг даромадлари солиқ солишдан озод қилинсин, шу йўл билан янги иқтисодий шароитда оммавий ахборот воситалари омон қолиши таъминлансин;

— Журналистлар учун пенсиялар, вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотганлик учун ва отпускаларга тўловлар миқдорининг чекланиши бекор қилинсин, улар муаллифлик гонорари ҳисобга олиниб белгилансин;

— Амалдаги қонунлар журналистларнинг касби билан боғлиқ қонуний фаолиятига тўсқинлик қилганлик, уларга маънавий ва мулкий зарар етказганлик, ўз касб вазифаларини бажариш чоғида уларнинг ҳаёти ва саломатлигига, шани ва қадр-қимматига тажовуз қилганлик учун жиноий ва маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги нормалар билан тўлдирилсин.

Съезд «Матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги СССР Қонунига оғишмай риоя қилишни таъминлаш зарур, деб ҳисоблайди, бу Қонун сўз эркинлиги камситилишига қарши, шунингдек бу эркинликни суиистеъмол қилишга қарши ишончли кафолат бўлиши керак.

ЖАНУБИЙ ОСЕТИЯДАГИ АҲВОЛГА ДОИР

Жанубий Осетиядаги аҳвол мураккаблигича қолмоқда. Иқтисодий қамал давом этмоқда. Шаҳарда электр ва иссиқлик таъминоти йўқ, ичимлик сув билан таъминлашда узилишлар бўляпти.

СССР Ички ишлар вазирлигининг Цхинвалидаги муваққат матбуот маркази раҳбари Н. Чернявскийнинг хабар қилишича, 10 февраль куни Цхинвали туғуруқхонасида туғилган чақалоқ совуқдан ўлган, иккинчи чақалоқ эса иссиқлик даражасини зўрға 15 даража атрофида ушлаб туришга муваффақ бўлинаётган бинода сақланмоқда. Шаҳар дорихоналари ва тиббий муассасаларида ғамланган дори-дармон тугай деб қолди. Цхинвалида қанд касаллигига йўлиққан 400 га яқин ва ўсимта касалига дучор бўлган 8 нафар бемор бўлиб, улар ўзларига зарур дори-дармонларни ололмаяптилар.

Қуролланган экстремистларнинг хуружи тўхтамаяпти. Улар шу ерлик кишиларни тутиб олиб, қалтакламоқдалар, таҳқирламоқдалар.

Ҳарбий хизматчилар аҳолига қўлларидан келганича ёрдам беришмоқда, деб хабар қилади Н. Чернявский. Улар зирҳли техникадан фойдаланиб, Цхинвали-Жава автомобиль йўлини тозалашмоқда. Кўчма электростанция ёрдамида нон заводи қайта иш бошлади. Цхинвалига ички қўшинлар қўриқчилигида машиналарда ун ва бошқа маҳсулотлар келтирилмоқда.

Грузия ҳукумати 12 февраль куни Цхинвалида ва Жава ноҳиясида фавқулодда ҳолатни бекор қилиш ниятида эканлигидан шаҳар аҳолиси ташвишга тушмоқда.

(ТАСС).

КОНВЕРТЛАРНИ ОЧГАНДА

ИШ ҚУРОЛИНГИЗ СОЗМИ?

Одатда, деҳқон бойчечак чиқишни кутиб ўтирмай, илиқ кунлар келиши билан далага отланади. Унинг оғирини енгил қиладиган бирдан-бир суянчиғи эса техникадир. Шу боис экин экадиган, тупроққа ишлов берадиган агрегатлар тезроқ тахт қилиб қўйилиши керак.

Албатта, айрим районлар, давлат хўжаликлари ва жамоа хўжаликларида бу борада намунали ишлар қилиняпти. Бунга ремонт ишларининг оқилона ташкил этилганлиги, устахоналарда қулай шароитлар яратилиб, улар эҳтиёт қисмлар билан таъминланганлиги туфайли эришиляпти.

— Уйчи райони меҳнаткашлари экин-тикин агрегатларини созлаш ишларига бардош киришишди, — деб ёзади наманганлик жамоатчи мухбир М. ҚОДИРОВ. — Созловчиларга қулай шароит яратиб берилди. Мусобақа пешқадамларини мунтазам равишда моддий ва маънавий рағбатлантириш эса ютуқлар гарови бўлмоқда. Шу боис бу ерда машина-механизмлар сифатли ремонт қилинаётир.

Жамоатчи мухбир П. АКБАРОВнинг ёзишича, Тўрақўрғон районидаги Карл Маркс номли жамоа хўжалиги меҳнаткашлари барча асбоб-ускуналарни пешма-пеш ремонтдан чиқаришяпти. Ҳозиргача 31 та чопиқ ва 14 та ҳайдов трактори, 24 та транспортёр, 18 та плуг, 25 та сеялка мавсумга шай қилиб қўйилди.

Бу борадаги ибратли ишлар ҳақида Б. МАҲМУДОВ, Г. БУХОРОВ (Наманган), Қ. ИБРОҲИМОВ (Хоразм), А. ЙЎЛДОШЕВ (Фарғона), А. ТУРОПОВ, С. УСМОНОВА, М. ҲАЙДАРОВ (Қашқадарё) ва бошқалар ҳам хат-хабарлар йўллашган.

• Футбол •

МАВСУМ АРАФАСИДА

АНЪАНАВИЙ БАҲС

● Мухлислар футбол мавсумини орзиқиб кутишмоқда. Футболчилар эса машқларга зўр бериб, ишқибозлар ишончини оқлаш йўлида уринмоқдалар. Ҳар йили ўтказиладиган анъанавий мусобақа — «Пахтакор» хотира-совринни учун баҳс футболчиларнинг мавсумга тайёргарлик кўришида алоҳида аҳамият касб этади. Бу галги совриндорлик курашида пахтакорчилар ҳам иштирок этмоқдалар.

Соврин учун кураш иштирокчилари тўрт гуруҳга бўлинган. Биринчи гуруҳ «Косонсой», «Свердловчи», «Сўғдиёна», «Ангрен», «Целиннник», «Соҳибкор», «Умид» ва «Трактор» жамоаларидан таркиб топган бўлса, иккинчи гуруҳга «Пахтакор», «Орол», «Кимёгар», «Янгиер», «Чирчиқ», «Ёшлик», «Геолог» ҳамда «Светотехника» футболчилари киритилган. Учинчи ва тўртинчи гуруҳларда ҳам мавқеларни мустаҳкамлашга астойдил ҳаракат қилаётган «Шаҳрихонча», «Спартак», «Сурхон», «Зарафшон» каби жамоалар ҳам бор.

«Пахтакор» ва Нукуснинг «Орол» командалари учрашувидан лавҳа.
Суратқаш Н. МУҲАММАДЖОНОВ.

Пахтакорчиларнинг дастлабки учрашувлари мухлисларда яхши таассурот қолдирди. Тошкент яқинидаги «Қибрай» ўйингоҳида Нукуснинг «Орол» командаси билан бўлиб ўтган учрашув йирик (6:1) ҳисобда пахтакорчилар фойдасига ҳал бўлди. Тўпларни Шквирин, Галиев, Ҳасановлар киритишди. Пахтакорчилар қуйидаги тартибда майдонга тушдилар: Сергей Бураков, Вячеслав Кулачков, Фарҳод Муҳамедов, Миржалол Қосимов, Саид Турсунов, Илҳом Шарипов, Сергей Павлечук, Нўъмон Ҳасанов, Владимир Новиков, Игорь Шквирин ва Рифат Галиев. Қолган ўйинларда қуйидаги ҳисоблар қайд қилинди. «Кимёгар» (Олмалиқ) — «Янгиер» — 1:0, «Чирчиқ» — «Ёшлик» (Тўрақўрғон) — 1:0.

«Пахтакор» хотира-совринни учун саралаш учрашувлари 9 мартга қадар давом этади. Гуруҳларда голиблар аниқлангач, ярим финал ўйинлари ўтказилади. Соврин соҳиби 11 августда ўтказиладиган ҳал қилувчи учрашувда маълум бўлади.

Ф. ИСАЕВ.

«ПОМИР» СОВРИНДОР

● Фарғонада маҳаллий «Нефтянник» клуби совринни учун ўтказилган анъанавий мусобақа бир неча кун давом этди. Мавсумолди баҳслари тарзида ўтказилаётган бундай учрашувлар футболчи-ю мухлисларда яхши таассурот қолдирмоқда. Бу гал олтита команда иштирок этди.

Мусобақада олий лига вакили — Душанбенинг «Помир» футболчилари иштирок этиши ўйинларни қизғин ва муросасиз баҳсга айланишига сабаб бўлди. Мавсумга пухта ҳозирлик кўраётган «Помир» футболчилари учрашувларни кўтаринки руҳда ўтказишди. Чунончи, «Геолог» (3:2), «Автомобилист» (5:1), «Уралмаш» (1:1), «Нефтянник» (3:1), «Даугава» (1:2) футбол жамоалари билан учрашувларда жами 7 та очко тўплаган бу команда бош совринни қўлга киритди. Майдон эгалари — «Нефтянник» футболчилари ҳам шунча очко тўплашди. Лекин бу жамоаларнинг ўзаро учрашувида душанбелик футболчилар ғолиб келгани важидан «Нефтянник» иккинчи ўринни олди. «Даугава» футболчилари эса бешта очко билан учинчи бўлишди.

Ҳ. АҲМАДЖОНОВ.

• АКС-САДО

ТОШОТАРЛИК КИМГА КЕРАК?

Ўзбекистон коммунистларининг беш йил муқаддам бўлиб ўтган XXI съездида делегат сифатида қатнашганман. Съезднинг шундай дақиқалари бўлганки, эсласам, ҳамон юрагим зирқираб кетади. Съезд одатдаги съездларга ўхшамас, бизни аллақандай ғайритабиий руҳ таъқиб қиларди. Таниш-билишлар тугул бир-бирини соғинган дўстлар ҳам очилиб-сочилиб сўзлаша олишмасди. Съезд залига киргунга қадар тўрт жойда ҳужжатларимизни текшириб кўришди. Ҳар safар суратимиз билан «асл нусха»мизни синчиклаб, бир-бирига солиштириб кўришар ва давлат чегараларидан ўтказишаётгандек кўзимизга тикилиб қўйишарди. Маълум бўлишича, бу съездга алоҳида оғир вазифа юкланган экан. Биз жумҳуриятни қарийб 25 йил бошқарган Шараф Рашидовни қоралаб беришимиз керак эди!

Президиумда Усмонхўжаев, Анишчев бошлиқ «бош қораловчилар» залдан кўз узмай, ҳар бир делегатга нигоҳини найзадек санчиб туришарди. Афсус, уларнинг хоҳиш-иродасидан чиқиб кетолмадик. Рашидовнинг ўзи билан бирга ёнма-ён ишлаб, яхши-ёмон кунни бирга баҳам кўрганлар қўни-қўнжи тўла тош билан бирин-кетин минбарга чиқишди. Марҳумга отилган тошлар нафақат Рашидовга, балки кечаги тарихга, халқ ўтмишига ҳам отилган маломат тошлари эканлигини унутиб қўйишганди. Бу гапу-сўзларни маъқуллаб мандат кўтариб тасдиқлаш навбати келганда гўё қўлимга зилу-замбил юк ортилгандек эди, уни кўтариш осон бўлмади. Кечагидек эсимда, ён тарафимда ўтирган ёшгина жувон ўзини тутолмай «пиқ-пиқ» йиғлаб юборди, кўзларидан ситилиб ёш тўкилди. У сариосиёлик Ниёзова исмли съезд делегати эди. Начора, жон ширин эди, қўл кўтарганлар ҳам ноилож эди.

Хўш, ошкоралик кунларида марҳумларга нега тош отилянти? Ёки демократия дегани кўринганнинг кўзини чиқариш деганларими? Бир гуруҳ олимларимизнинг «Известия» рўзномасидаги мақоласи менда ана шундай саволлар уйғотди. Эҳ, аттанг, олим бўлиш осону, бироқ одам бўлиш қийин экан-да. Ахир, олимларимиз халқнинг қалбига қулоқ солишса бўлмайдими? Айтингчи, ҳурматли олим ўртоқлар, Рашидовни қоралаш кимга зарур бўлувди? Бу «қоралаш» энди кимларга асқотяпти? Ахир Рашидовнинг хатоси ҳам бордир, бироқ, наҳотки биз унинг неча ўн йиллик ҳаётидан фақат қора доғларни изласак? Наҳотки, жумҳуриятдаги шунча юксалишда унинг бирон-бир хизмати бўлмаса? Ахир, бенуқсон парвардигор, дейди халқимиз. Қолаверса, ҳамма яхши-ёмонни фақат Рашидов номи билан боғлаш инсоф ва адолатдан бўлмаса керак. Унинг ютуғи ҳам, хатоси ҳам ўзимизники эди-ку?!

Рашидовга юкланадиган энг оғир «айбнома»лардан бири Орол муаммоси эканлигини унинг муҳолифлари тез-тез эслатиб туришади. Ёзувчи Комил Яшиннинг яқинда эълон қилинган хотираларида шундай сўзлар бор: «1983 йил октябрь ойининг бошида мен Рашидов қабулида бўлдим, — деб эслайди Яшин ака. — У кишининг кайфияти йўқ, тушкун бир ҳолатда кўрдим. Узаро ҳол-аҳвол сўрашганимиздан кейин раҳматли шундай деди: «Биласизми, ҳозир мени нима қийнайди? Орол муаммоси? Узоқ йиллар давомида Орол насибасини пахтага бердик. Бизнинг пахтамиз туфайли СССР билан бошқа социалистик мамлакатлар орасидаги алоқалар мустаҳкамланди. Бизнинг пахтамиз туфайли Россияда ишсизлик камайди. Биз пахтамиз билан мамлакатни кийинтирдик. Пахтага сарфланаётган сув Сибирь дарёларининг ҳисобига қопланади деб ўйлаган эдик. Афсуски, умидларимиз сароб бўлиб чиқди!...».

Демак биз маломат тошларини отаётган Шараф Рашидов ҳам Оролни биздан кам севмаган, унинг фожиасини биздан кам ҳис этмаган, бироқ кўп жиҳатдан ноилож бўлган. Оролга берадиган сувни пахта далаларидан тортиб олиш мамлакатнинг катта сиёсатига рўй-рост қарши туриш бўлар ва бу ўша давр нуқтаи назаридан қараганда Рашидов қўлидан келмасди.

Инсоф ва адолат билан айтганда, Ўзбекистон пахта ҳисобига мамлакат заминини бирмунча бут сақлаб келди. Акс ҳолда бутун мамлакат бошдан кечираётган бугунги иқтисодий фалажлик бирмунча барвақт бошланган бўларди. Ш. Рашидов раҳбарлиги даврида жумҳурият харитасида янги шаҳарлар пайдо бўлди, муҳташам бинолар қурилди. Тараққиётимиз бир жойда депсиниб қолди дейиш ҳам адолатдан бўлмаса керак. Бироқ, Рашидов даврини бошдан оёқ қора бўёқларга чаплаган раҳбарларимиз пайтида халқ назарига тушган бирон-бир объект қуриш уёқда турсин, ҳаттоки марҳум Рашидов пойдеворини қўйиб кетган кўпгина қурилишлар ҳам чала қолди. Ахир ҳамжиҳатлик, ҳамфикрлик ва осойишталик бўлмаган жойда нимага ҳам эришиш мумкин? Усмонхўжаев ва Нишоновлар даврида жумҳурият улкан терговхонага айланганлиги сир эмас-ку ахир!

Ҳайриятки, сўнгги икки йилдан буён Ўзбекистонда адолат сари сезиларли қадам ташланди. Жумҳуриятда бегуноҳ жавобгарликка тортилган минглаб кишилар тутқунлик кишанидан озод этилдилар. Уларга бир ярим миллион сўмдан кўпроқ товон пули тўланди. Тўғри, моддий зарарларнинг ўрнини қоплаш мумкиндир, бироқ, халқ чеккан маънавий азобнинг ўрнини қоплаб бўлармикан?

Кези келганда айтиб қўяй, мен Ўзбекистон жумҳурияти Олий Кенгаши Қонунчилик комитетининг аъзоси сифатида жумҳуриятнинг пешқадам қонуншунослари билан тез-тез мулоқотда бўлиб тураман. Маълумки, қонун бўйича бирон бир фуқарони айблаш учун аввало унинг устидан суд ҳукми чиқиб ва бу ҳукм кучга кирган бўлиши керак. Шундагина у ёки бу кимсани айбдор деб аташ мумкин! Бас, шундай экан, Рашидов устидан ҳеч қандай суд ҳукми ўқилган эмас. Келинг, биз ҳуда-беҳуда ўзимизни гуноҳларга ботирмайлик. Ўзбек халқининг тепасида шунча йиллар ким турганлигини унутиб, халқ шанини ерга урмайлик! Бу охир-оқибатда халқнинг зиммасига келиб тушадиган тавқи лаънат бўлиб қолишини унутмаслигимиз керак. Ахир Рашидов билан бир пайтда ишлашган унинг Сиёсий бюродаги ва қўшни жумҳуриятлардаги safдошлари шанига бундай ҳурматсизлик кўрсатилмаяпти-ку? Уларнинг бир қисми аллақачон сиёсий қатлам ва жумладан пойтахтимиз Тошкентда ўчмас из қолдирди. Қайта қурилган Тошкентда унинг катта ҳиссаси бор. Биз ҳар қандай тарихий шахсга баҳо берганда унинг жамият тараққиётидаги хизматига соя ташламаслигимиз керак. Яхши ниятли, пок виждонли кишилар марҳум билан обрў талашмайдилар. Бировни бадном қилиш билан обрў олиб бўлмайди. Шараф Рашидовдан яхши из қолди!

Ҳошим ҚОСИМОВ,
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач, шахсий пенсионер. Тошкент шаҳри.

БИЗ АДОЛАТ ТАРАФДОРИМИЗ

Аждодлардан қолган буюк мероslардан бири — марҳумлар ҳақида яхши сўзлар айтишдир. Азалдан маълумки, бировнинг гўрига тош қалаш энг оғир гуноҳ саналган. Бу дунёдаги ҳамма халқларда ва ҳамма диний ақидаларда бирдек тан олинган инсоний қонидадир. Ўзбекларда эса марҳум ҳақида сўз айтилганда, «ер хабар етказмасин» деб таъкидлаш одат бўлган...

Қабрларни топташ кимларга ва нима учун керак бўлганлигини энди яхши биламиз. «Ойнинг қоронғу томони» каби мудҳиш ва туҳмат фильмлар яратиш билан ўзбек халқининг шанини ерга урганда улар атрофида чапак чалганлар ким эди? Ахир, гирди-капалак бўлган ҳам ўзимиз-ку?

Инсондан яхши из қолсин

Мен бир оддий шифокорман, умримда мақола ҳам ёзмаганман, баҳсга ҳам қўшилган эмасман. Бироқ, бу safар ўз сўзимни баён қилишни инсоний бурчим деб биламан. Қайта қуриш даврида жумҳуриятимиз оғир синов йўлларини босиб ўтди. Шараф Рашидовни қоралаш ва республикани «пок»лаш ниқоби остида кўплаб раҳбар кадрлар келди. Бироқ уларнинг кўпчилиги асл қиёфаси фош бўлгунга қадар эл-юрт озмунча ноҳақлик кўрмади. Ким нима экса, ўшани ўради! Шараф Рашидов жумҳуриятда ва жумладан пойтахтимиз Тошкентда ўчмас из қолдирди. Қайта қурилган Тошкентда унинг катта ҳиссаси бор. Биз ҳар қандай тарихий шахсга баҳо берганда унинг жамият тараққиётидаги хизматига соя ташламаслигимиз керак. Яхши ниятли, пок виждонли кишилар марҳум билан обрў талашмайдилар. Бировни бадном қилиш билан обрў олиб бўлмайди. Шараф Рашидовдан яхши из қолди!

Ҳошим ҚОСИМОВ,
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач, шахсий пенсионер. Тошкент шаҳри.

ҲАР КИМНИНГ БАҲОСИНИ ХАЛҚ БЕРАДИ

Хизмат вазифасига кўра мен жумҳуриятнинг кўпгина шаҳарларида бўлиб тураман. Мен билган ва танинган оддий кишиларнинг кўпчилиги жумҳуриятнинг марҳум раҳбари Шараф Рашидов ҳақида тўлқинланиб гапиришларининг гувоҳи бўламан. Айниқса, вилоятларда, узоқ-узоқдаги қишлоқларда одамлар ғурур билан эслашади: «Фалон йили бизнинг юртга Шараф Рашидов келувдилар...».

Одамлар Ш. Рашидов билан шахсан кўришгани, мулоқотда бўлгани ва оддий кишиларни эътибор билан тинглагани каби хотираларни мароқ билан сўзлашади. Шунда ўйлаб қоламан: оддий кишилар Шараф Рашидовга нега тош отишмади? Нега халқ уни унутмайди? Айни пайтда уларни Шараф Рашидовга тош отганлар билан солиштириб кўраман. Ҳа, уларнинг орасида осмон билан ерча фарқ бор! Мен яшаб ва ишлаб турган Янгиер шаҳрида ҳам Шараф Рашидовни яхши билишади. Мирзачўл марказида у билан бевосита мулоқотда бўлган иш юзасидан кўришган кўпдан-кўп кишилар яшайди. Улар бир-бирлари билан ҳасратлашганда Шараф Рашидов айтган ҳикматли ҳикояларни эслашади. Ҳа, ҳар бир инсонни аввало ўз халқи ардоқласин. Халқнинг ардоғидаги инсон доимо яшайди.

Анатолий ВАНИН,
Янгиер шаҳри.

ҚИРҒИЗИСТОНДАН ХАТ

ЎЗБЕКИСТОН ҲАҚ ЙЎЛДАН БОРЯПТИ

Ўзбекистонлик азиз қардошлар! Ушбу хатни сизга жалолободлик дўстларингиз йўллашяпти.

«Известия» рўзномасининг шу йил 5-сонида ўзбекистонлик олимларнинг «Хўжайинни қумсаш» мақоласини ўқиб, аввалига бироз ўйланиб қолдик ва ушбу хат билан ўз мулоҳазаларимизни баён этишни лозим топдик. Муаллифларнинг партия ва жамоат арбоби Шараф Рашидов ҳақидаги мулоҳазалари бўйича гап юритмоқчи эмасмиз. У ўзбекларнинг ўз нафсониятига ҳавола. Бироқ Шараф Рашидов ҳақида Қирғизистонда ҳурмат билан сўз юритишади. Бу борада бизнинг илтимосимиз шуки, ўтмишга баҳо берганда, бугунги куннинг тошутарозисидан келиб чиқмай, балки ўша даврнинг ижтимоий шароитини назарда тутиб қаралса, ҳақиқат ойдин бўлур эди.

«Известия» муаллифлари фикрича, Ўзбекистондаги «барқарорлик»ни «неотурғунлик», яъни янгича турғунлик деб аташ маъқул бўлар эмиш. Қаранг, олимлар қандай атамаларни ўйлаб топишади! Афтидан, Ўзбекистонда митингу-намойишлар, тўполону-ур-йиқитлар бўлмаётгани кимларгадир ёқмаётган кўринади.

Биз жалолободликлар Ўзбекистонда бўлаётган янгилик ва ўзгаришлардан яхши воқифмиз. Халқ фаровонлиги йўлида кейинги икки йил ичида амалга оширилган чора ва тадбирлардан ғоятда хурсандмиз. Қўшниларимиз ҳаётидан ғурурланамиз. Очиғини айтганда, ҳавасимиз келади. Ҳар бир оилага берилган 20—25 сотихлик томорқани олиб кўринг. Ахир қишлоқ кишиси учун бундан катта саҳоват борми? Ўзбекистон Президентининг қишлоқ кишиларини ер участкалари билан таъминлаш ҳақидаги Фармони қишлоқда яшайдиган ҳар бир кишини тўлқинлантирмай қолмайди. Гап энди мана шу қутлуғ Фармоннинг бекаму-кўст бажарилишини таъминлашда қолган. Бунинг учун бутун жумҳуриятаҳли куч ва имкониятларни бириктириши керак, албатта.

Бироқ, ўзбек халқининг асл муаммолари мақола муаллифларини унчалик ташвишлантирмаслиги кўриниб турибди. Бунинг ўрнига халқни алғов-далғовлар билан чалғитиб, турли хил safсатабозлик йўлини танлаш кимларгадир мақбул кўринади, чамаси. Ҳурматли олимлар, халқ гапдан чарчади, ваъзхонлик унинг меъдасига тегди! Қуруқ қошиқ оғиз йиртар, дейдилар. Бунинг устига элу-юртнинг рўзғорини бутлаш, бошпанасини тузатиш, ёшларимизни аждодларимизнинг энг яхши анъаналари асосида тарбиялаш борасида бош қотирсак бўлмайдими? Ахир бизнинг регионда содир бўлган мудҳиш воқеалар замирида ҳам аслида иқтисодий инқироз муаммолари ётибди-ку. Муаммолар олди олинмас экан, улар эртами-кечми портлаши турган гап.

Жумҳуриятнинг бугунги турмуш тарзида эҳтимол камчиликлар, янглиш одимлар ҳам бордир. Бироқ уни алғов-далғовлар, митинглар эҳтироси билан тўғри изга солиб бўлармикан? Аксинча, вазиятни барқарорлаштириш, қўлни-қўлга бериб ишлаш ва ҳамжиҳатлик билан фикр юритиш сиёсати биргина Ўзбекистонда эмас, қўшни жумҳуриятларда ҳам қизғин маъқулланмоқда. Айниқса, қонли тўқнашувлар, бемавруд берилган қурбонлар ҳаммамизнинг кўзимизни очди. Очилмаган кўзлар энди очилиши керак. Наҳотки, шу оддий ҳақиқат сиздек олимларга маълум бўлмаса?

Сирасини айтганда, биз шундай мақоланинг марказий матбуотда чоп этгириш мақсадига ҳам тушунолмай таажжубдамиз. Бизнинг англашимизча, марказда ҳам жумҳуриятдаги барқарорликка ҳавас эмас, ҳасад кўзи билан боқаётганлар бор. Ана шундай «қарама-қаршиликлар» оқимидан фойдаланиб, айрим сиёсий гуруҳлар ҳокимият сари йўл очишни кўнгилга туккан кўринади. Бу хом хаёлдан бошқа нарса эмас. Сиз ўз халқингизнинг иродасига қарши бориб мурод-мақсадга етолмайсиз. Бу сизларга халқнинг тавқи-лаънатидан бошқа ҳеч нима келтиролмайди. Ғанимларнинг тегирмонига сув қуйганлар ҳамиша ва ҳар қачон ўз баҳосини олиб келган. Худди мана шу истак бизни ҳам қўлга қалам олишга ундади. Қирғизистонда истиқомат қилаётган ўзбеклар бу қадамингизни ҳеч қачон олқишлай олмайдилар. Аксинча, афсус билан ёқа ушлаймиз: ўзингдан чиққан балога қайга борурсан даъвога?!

Р. АЗИМОВ — Совет Иттифоқи Қаҳрамони, А. АБДУКАРИМОВ, С. ОЛИМОВ — Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари, С. АКБАРОВ — Қирғизистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи, К. ҒОЙИББОЕВ — Қирғизистон ССРда хизмат кўрсатган врач, К. БАДАЛОВ, П. ОРЗИҚУЛОВ — уруш ва меҳнат ветеранлари, ФОЗИЛЖОНОВ, Х. БОЛТАБОЕВ, К. ХОНКЕЛДИЕВ, Т. БОЛТАБОЕВ, Ё. ИБОДУЛЛАЕВ, РЕЖАВАЛИЕВ, ҲАЙИТБОЕВ, ОРТИҚОВ — ишчилар (хатга 26 киши имзо чеккан).

ЖАЛОЛОБОД ШАҲРИ.

ҚАЙТА ҚУРИШ ва ИЖТИМОИЙ АДОЛАТ бўлими почтасидан

ҲАҚИҚАТ МЕЗОНИ

«Совет Ўзбекистони» рўзномасида шу йил 18 январь сонида босилган «Марҳумлар сўроқ қилинмайди...» сарлавҳали мақола муносабати билан таҳририят юздан ортиқ мактуб олди. Ҳақиқат баҳсда туғилади, деган ақидага амал қилиб, уларнинг айримларини ўқувчилар диққат-эътиборига ҳавола этишга қарор қилдик.

МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ САЙРГА

Жиззах вилояти қишлоқ меҳнаткашлари мамлакат шаҳарлари бўйлаб safарга жўнаб кетдилар. Жиззах вокзалидан йўлга чиққан поезд вилоят деҳқончилик-саноат комплексининг тўрт юз илғор ходимини олиб кетди.

— Илгари биз қишки вақтни қандай ўтказаётганимиз, қаерда дам олаётганимиз, саломатлигимизни тиклаётганимиз билан камдан-кам одам қизиқарди, — деди меҳнат фахрийси С. Маматқулов УзТАГ мухбири билан суҳбатда. — Энди аҳвол яхшиланяпти, чоғи.

Safар ташкилотчилари safаёҳлар йўлда ҳеч нарсага муҳтож бўлмасликлари учун ҳамма ишни қилишди. Йўловчилар тиббий хизмат билан таъминланган, ҳаваскор артистлар уларни зериктириб қўйишмайди. Йўлда овқатланиш—бепул. Барча харажатларни вилоят касаба уюшмалари ва хўжаликлари ўз зиммасига олишди.

Ўзбекистон меъморчилигининг бугуни ва истиқболи

8 февраль куни Тошкентда Ўзбекистон меъморлар уюшмаси бошқарувининг пленуми бўлди.

Пленум қатнашчилари Ўзбекистон тарихий меъморчилиги чинакам шуҳрат топганлигини таъкидладилар. Бироқ меъморчилик фанининг ҳозирги аҳволи кўп жиҳатдан яхшиланмоғи керак. Унга бюджетдан ажратилаётган маблағлар қисқармоқда, тадқиқотлар мувофиқлаштирилмаяпти. Илмий илмгоҳлар эса янада арзонроқ лойиҳаларни яратишга қизиқиб, safарсозликда тежамкорлик масалалари билан шуғулланмоқдалар.

Пленум «мактаб-олий ўқув юрти-амалиёт» йўли билан меъморлар тайёрлашнинг узлуксиз системасини яратиш тадбирларини режалаштирди. Катта шаҳарларда меъморий йўналишдаги мактабларни очиш, меъморлик факультетларида эса қобилиятли болалар учун интернатлар ташкил этиш мўлжалланмоқда. Меъморчилик факультетларига талабаларни қабул қилишни кўпайтириш ҳам назарда тутилмоқда. Меъморчилик соҳасида илмий тадқиқотларни ривожлантиришга доир тадбирлар белгилаб олинди.

(ЎзТАГ).

БОР ГАП ВА УЙДИРМА

Литва, Латвия ва Эстониянинг бир қанча ҳудудларида 10 февралдан 20 февралгача штаб қўмондонлигининг машқлари ўтказилади. Болтиқбўйи ҳарбий округининг ҳарбий ҳенгаши жумҳуриятлар раҳбариятига бу ҳақда аввалдан хабар берди. «За Родину» округ рўзномаси шу хусусда хабар берди. Afсуски, машқлар тўғрисида баъзи оммавий ахборот воситаларида пайдо бўлган хабарларда бу воқеа теварагида сиёсий чайқовчилик қилишга уринишлар бўлди. Жумладан, машқларни ўтказиш муддатлари гўёки Болтиқбўйи жумҳуриятларидаги ижтимоий-сиёсий вазиятга шундай йўл билан таъсир кўрсатишга уринниш деб боғланмоқда.

Округ штаби бошлиғи генерал-лейтенант П. Чаус раҳбарлигида ўтказиладиган мазкур машқлар аввалдан режалаштирилган бўлиб, штаблар ҳамда улар ишини таъминлайдиган бўлинмаларнинг тайёргарлигини такомиллаштириш мақсадида амалга оширилади. Уни ўтказишга кам миқдорда зарур бўлган куч ва маблағ жалб этилган. Машқлар хусусида тарқатилаётган уйдирмаларга келганда, бу иш билан Болтиқбўйи жумҳуриятлари аҳолисининг туб манфаатларидан узоқда бўлган ва ифвогарлик, гиж-гижлатиш мақсадини кўзлаётганларгина шуғулланишлари мумкин.

СССР Мудофаа вазирлигининг матбуот маркази

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

ХАРИДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

«СПОРТ МОЛЛАРИ» ЖУМҲУРИЯТ УЛГУРЖИ-ЧАКАНА САВДО БИРЛАШМАСИ 1991 ЙИЛ ФЕВРАЛДАН БОШЛАБ

бирлашманинг Ўзбекистон ССЖ ҳудудида жойлашган савдо корхоналарида енгил автомашиналарнинг олди-сотдисини расмийлаштириш учун

ИЛГАРИ БЕЛГИЛАНГАН 7 ФОИЗ ЎРНИГА АВТОМОБИЛЬ ҚИЙМАТИНИНГ 5 ФОИЗИ ҲАЖМИДА ВОСИТАЧИЛИК ИҒИМИ ОЛИНАДИ.
АНА ШУ ДУКОНЛАРНИНГ ЎЗИДА СИЗ БАРЧА МАРКАЛИ АВТОМОБИЛЛАР УЧУН ЗАРУР ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАР ВА БОШҚА ДЕТАЛЛАРНИ ХАРИД ҚИЛИШИНГИЗ МУМКИН:

ДУКОНЛАРИМИЗГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ:

14-ДУКОН — Тошкент шаҳридаги Фарҳод ярмаркаси.
27/1-ДУКОН — Тошкент шаҳридаги Инструментальная кўчаси.
4-ДУКОН — Чирчиқ шаҳри Морозов кўчаси, 1-уй.
5-ДУКОН — Янгийўл шаҳри Самарқанд кўчаси, 152-уй.
6-ДУКОН — Самарқанд шаҳри, Титов кўчаси, 134-уй.
7-ДУКОН — Бухоро шаҳри, талабалар кўчаси, 2-уй.
8-ДУКОН — Андижон шаҳри, Пушкин кўчаси, 43-уй.
9-ДУКОН — Ленинск шаҳри, Коммунистлар кўчаси, 32-уй.
10-ДУКОН — Наманган шаҳри, Ленин шоҳкўчаси, 3-уй.
11-ДУКОН — Фарғона шаҳри, Горький кўчаси, 29-уй.
12-ДУКОН — Қўқон шаҳри, Базилев кўчаси, 107-уй.
13-ДУКОН — Термиз шаҳри, 8-Март кўчаси, 14-уй.
15-ДУКОН — Гулистон шаҳри, Калинин кўчаси, 70-уй.
16-ДУКОН — Урганч шаҳри, Кутузов кўчаси, 2«а»-уй.
17-ДУКОН — Нукус шаҳри, Татибоев кўчаси, 21-уй.
18-ДУКОН — Ангрен шаҳри, Ленин кўчаси, 6-уй.
19-ДУКОН — Марғилон шаҳри, Тинчлик кўчаси, 282-уй.
20-ДУКОН — Жиззах шаҳри, Тошкент кўчаси, 11-уй.
21-ДУКОН — Оҳангарон шаҳри, 52-мавзе, 8-уй.
23-ДУКОН — Каттақўрғон шаҳри, Шавқий кўчаси, 100-уй.
25-ДУКОН — Навоий шаҳри, Ульянов кўчаси, 17-уй.
32-ДУКОН — Қарши шаҳри, Калинин кўчаси, 28-уй.
34-ДУКОН — Олмалиқ шаҳри, Москва кўчаси,
44-ДУКОН — Бекобод шаҳри, 14-микрорайон, 1-уй.

«СПОРТ МОЛЛАРИ» ЖУМҲУРИЯТ УЛГУРЖИ-ЧАКАНА САВДО БИРЛАШМАСИ.

БИР НИГОҲ ТАШЛАГАНДА

Ўзбекистон экстрасенслар уюшмасининг аъзоси, жумҳурият Вазирлар Кенгаши қошидаги энергиянинг ғайритабиий манбалари тадқиқоти махсус Марказининг ходими, нигоҳий табиб

АБДУҒАФФОР АБДУЛЛАЕВ

Кўп беморларнинг хат ва истакларига асосан Тошкент вилоят Тошкент ноҳия Охунбобоев колхози клубида
15 февралдан — 15 мартга қадар

БЕМОРЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Сеанс 7 ва 9 кишидан ўтказиб олиб борилади.
Унда беморлар бош, бел, қўл-оёқ оғриқлари, ошқозон-ичак хасталиклари (яра бўлмаган тақдирда), буйрак, жигар, диққинафас (астма), қичима, эшакеми (аллергия) юрак ўйнаши, уйқусизлик, тунда сийдик ушлай билмаслик сингари касалликлардан фориғ бўладилар.

Сеанс ҳар куни шанба ва якшанба кунидан ташқари соат 11.00 дан 15.00 гача олиб борилади.

Бизнинг манзилгоҳ: Тошкент ноҳия, Охунбобоев жамоа хўжалиги. «Охунбобоев жамоа хўжалиги» бекати, «Чорсу» метро станциясидан «Тошкент—Келес», «Тошкент—Навоий», «Тошкент — Санатория» автобуслари.

АССАЛОМУ АЛАЙКУМ, АЗИЗЛАР!
«Турон» ижодий уюшмаси
В. И. ЛЕНИН НОМЛИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА
6, 7, 8, 9, 10 МАРТ СОАТ 16.00 ВА 19.30 ДА
халқ севган қўшиқчи
РУСТАМ ҒОЙИПОВ
бошчилигидаги
«НУР» ГУРУҲИ ИШТИРОҚИДА
«Ўзбегим ўғлонлари»
ТЕАТРЛАШТИРИЛГАН ЯНГИ КОНЦЕРТ ПРОГРАММАСИГА

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

КОНЦЕРТДА:
Ўзбекистон ССР халқ артисти
МАЛИКА АҲМЕДОВА
Сўз устаси ва киноактёр МИРЗА ХОЛМЕДОВ қатнашадилар.
Чиптлар Халқлар Дўстлиги саройи кассаларида соат 11.00 дан сотилмоқда.

«Ўқитувчи» нашриёти жамоаси нашриёт педагогик адабиётлар муҳарририяти мудири А. Аҳмедовга отаси, кекса ўқитувчи, жумҳурият халқ маорифи аълочиси
Нагмиддин Халилович АҲМЕДОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Муштум» мажалласи меҳнат жамоаси ҳажвчи ёзувчи Саид Равшанга онаси
Барно аянинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент халқ хўжалиги олий билимгоҳи ректорати, фирқа қўмитаси ва касаба союз ташкилотлари, «Илмий социализм» кафедраси жамоаси доцент А. Т. Тўраевга онаси
Унгал ТУРАЕВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари олий билимгоҳи жамоаси ва кутубхона ходимлари бўлим мудири Е. Ю. Еқубовга отаси
Юсуф Еқубович ЕҚУБОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзбекистон» ижтимоий тараққиёт акционерлик тижорат банки жамоаси банкнинг Жиззах вилоят бошқармаси бошлиғи Ю. И. Хорошунга рафиқаси
Эльмира Анваровна ХОРОШУН
ва ўғли
ЯНнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Биохимия илмий-тадқиқот илмгоҳи раҳбарияти ва жамоат ташкилотлари илмгоҳнинг илмий ишлар бўйича директор ўринбосари, биология фанлари доктори, профессор А. К. Мирахмедовга онаси
Тожихон КАРИМОВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.
Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, А. С. УСМОНОВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ. Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, партия турмуши — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; совет қурилиши — 33-15-29, 32-57-20, 32-54-18; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35, 32-55-16; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.
УЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-09.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана

Нашр кўрсаткичи 64583.
Буюртма № 4871.

№ 31. ● Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида. А—2 форматида босилади. ● 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12